

ISSN 2181-9521

№ 9-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИНГ ИЛК МАРТА 2019- ТАЪЛИМ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСИНИНГ ТАН



2020 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БИР ЙИЛЛИК МАГИСТРАТУРА ТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАН ФОТОРЕПОРТАЖ



**«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДОРОВ
Акмал МУРОДОВ
Икром МУСЛИМОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруф ТОЖИБОЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Шерзод ДАМИНОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссерта-
циялар асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 15.10.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 1800

«Aldin-group» МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Моҳият

6-бет



**Судьялар олий кенгаши
раиси судья ва суд-
тизими ходимларига
муружаат қилди**

Кун мавзуси

12-бет



**Судьялар олий
мактабида илк
бор магистратура
таълим дастури
бўйича ўқув курси
бошланди**

Жараён

16-бет



**Судьялар олий мактаби
кафедралари:
бош мақсад – малакали,
етук судьялар ва судлар
аппарати ходимларини
тайёрлаш**

Эксперт фикри

25-бет



**Интеллектуал
мулк ҳуқуқи ва
суд амалиёти:
таҳлил ва
таклиф**


Муҳим воқеа

30-бет



**БМТ махсус
маърузачиси
билан учрашув**

Қиёсий таҳлил **32-бет**



**Англосаксон ҳуқуқ тизимида
кирувчи мамлакатларда
мансабдор шахслар
коррупцион жиноятлар
учун жавобгарлигининг
замонавий тажрибаси**

Таҳлил, тақлиф **51-бет**



**Оилани асраш
борасидаги
қонунчилик:
муаммо ва ечим**

Дунё ва биз **36-бет**

**Халқаро парламент
ташкilotлари классик ташқи
сиёсатда муҳим омил**



Янги меъёрлар **40-бет**

Ибрат **55-бет**

**Беғараз ва
адолатли
ҳукмдор**



Мутахассис мулоҳазаси **44-бет**

**Судьяларга
қўйиладиган
талаблар
ўзгарди**



Важная тема **56-бет**

**Усиление административной
ответственности за нарушение
трудового законодательства
в Республике Узбекистан
как основной фактор
противодействия
принудительному труду**




59-бет

**Бошқарув ва
назорат
tizimini
такомиллаштириш**



**Legal bases of
activity of
the constitutional
court of
the republic of
Uzbekistan**



Process **62-бет**

Судья китоб жавони **48-бет**

**Китоб – инсон
ўзлигини
англатади**



**On the first visit of mro
Garcia-Sayan**



СУДЪЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ СУДЪЯ ВА СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ



2019 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев мамлакатимиз судьялари ва суд тизими ходимларига соҳада коррупцияга қарши курашиш борасида Мурожаат билан чиқди.

Видеоконференцалоқа орқали қилинган ушбу Мурожаатни ҳудудлардаги барча вилоят, туман ва шаҳар судлари раислари ҳамда судьялари, суд тизими ходимлари, жойларда жамоатчилик асосида ташкил этилган Судьялар олий кенгашига кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари ҳамда суд фахрийлари тинглаб, Мурожаат якунида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Қуйида ушбу Мурожаат матнини тўлалигича эътиборингизга тақдим этамиз.

КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТИМИЗ МЕЗОНЛАРИ

Сўнгги йилларда шиддатли тус олган кенг кўламли ислохотлар натижасида халқимиз ҳаётида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Барча соҳалар бўйича халқ манфаати йўлида тизимли равишда кўплаб амалий ишлар олиб борилаётгани, айниқса ижтимоий ҳаётимизда ўзининг ифодасини яққол кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, бугун жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётининг янги босқичи шахдам қадамлар билан олға кетмоқда...

Мамлакатимиздаги улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб туриб, мана шундай ниҳоятда масъулиятли даврда Сизларга, яъни

судья ва суд тизими ходимларига Мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб билдим.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Аввало, 2017 йил 13 июнь куни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган тарихий учрашув ва очиқ мулоқотда кўрсатиб ўтилган камчиликларимиз, шу билан бирга, машаққатли ва шарафли ишимизга муваффақиятлар тилаб, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ва ҳақиқатни рўёбга чиқарадиган судьяларга, яъни, сиз азизларга қарата **“Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт”** деган, жуда чуқур маънога эга бўлган ҳаётий шиорни бежиз

айтмаганликларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, одам савдосига ва мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлиб турган энг хавфли иллат – коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ҳар бир раҳбарнинг кунлик эътиборида бўлишлиги қатъий уқтириб ўтилганлигидан ҳам хабардорсиз.

Шу маънода мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг муваффақияти, биринчи навбатда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасига бевосита боғлиқ эканлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан идрок этишимиз лозим.

Ўрни келганда аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, ҳаммамиз бирдек давлат ва жамият тараққиётига дахлдор бўлган шарафли ишимизга масъулият билан ёндашаётганимиз йўқ. Шу боис касб фаолиятимизда баъзи бир камчиликлар учраб турибди. Биргина мисол тариқасида келтириш мумкинки, ханузгача судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига батафсил тушунтирилишини тўла таъминлаш амалиётини шакллантирганимизча йўқ.

Энди айрим рақамларни келтирмоқчиман. 2019 йилнинг шу кунига қадар 95 та судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатилган, 12 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун муддатидан олдин лавозимидан озод этилган, 4 нафар судьяга нисба-



тан жиноий иш қўзғатилган ва жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилган.

Шу муносабат билан, ушбу Мурожаатим орқали судни коррупциядан батамом холи қилишга ва одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади деган умидда барча судья ва суд тизими ходимларига қуйидаги фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, судья ва суд тизими ходимлари мухтарам Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “энди, таъмагирлик қилган судья, сиёсатга, мамлакат Президентига ва халқига хиёнат қилган деб баҳоланади” деган ҳақ гаплари моҳиятини чуқур англаб етишлари шарт.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча инстанциялардаги судьялари ва суд тизими ходимлари ўртасида, умуман суд тизимида коррупцияга қарши ялпи, мурасасиз кураш эълон қилишни таклиф қиламан.





Бунда аввало, ҳар бир судья ва тизимдаги ходим кундалик хизмат фаолиятида фақат қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутиши лозим.

Биласизки, ҳар бир давлат, ҳар қандай жамият қонунлар орқали бошқарилади ва тараққиётга эришади. Аслида қонунлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, кўрқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқан тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун яратилишини барча фуқаролар ким бўлишдан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар қонунларни чуқур англаб етиши ва ҳурмат қилиши, уларга итоат этиши шартлигини тарғибот қилиб бориш лозим. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунни бузишдан кўрқади. Биз қонунларнинг матнини, яъни меъёрларини фақатгина ёдлаб олибгина қолмасдан, уларнинг туб моҳиятини чуқур тушунишимиз, ва энг асосийси, ҳар бир ҳолатда қонунни қурол қилиб, уни тўғри қўллаш олишимиз даркор.

Қадимги рим файласуфи Цицерон “**Эркин бўлишни хоҳласанг, қонуннинг қулига айлан**” деб бежизга айтмаган, ахир.

Суднинг коррупциясиз тизимга айланишида Судьялар олий кенгаши томонидан ҳудудларда жамоатчилик асосида ташкил этилган комиссия имкониятларидан унумли фойдаланиш амалий натижа беради деб ўйлайман.

Жамоатчилик, айниқса маҳалла аҳли, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, фуқаролар билан бўладиган очиқ мулоқотларда коррупция-порахўрлик иллатининг зарарли оқибатларини тушунтириб, тарғибот ишларини амалга оширишда тизимли дастурлар қабул қилиб, унда қонунларни ҳурмат қилиш, акс ҳолда жазо муқаррар эканлигини тушунтириш лозим.

Иккинчидан, агар жиноятчилик аҳволига чуқурроқ назар ташласак, жиноятни аксарият ҳолларда дунёқараши паст, маънавияти заиф, маданият ва маърифатдан узоқ, ақли бўлсада, фаросатда нўноқ шахслар содир этишини кўрамыз. Суд соҳасидаги кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бу ҳаёт ҳақиқати.

Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётини шиориға айланади, асло адолатсизликка қўл урмайди. Шуни инобатга олиб, бутун суд тизимида ҳар оининг бир кунини “КИТОБХОНЛИК КУНИ” деб эълон қилишни лозим деб ҳисоблайман. Ва барча суд идораларида нафақат ҳуқуқий китоблардан иборат, балки тарихий, бадий



китоблардан ташкил топган, ҳар томонлама салмоқли ва бой кутубхоналарни ташкил этиш керак.

Шунингдек, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Судья ва суд ходимларининг соғлом ва комил инсон бўлиб етишишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Спорт инсоннинг жисмини яйратиши, саломатлигини таъминлаши билан бирга қалбини ҳам поклаши қадимдан маълум. Шу сабабли ходимларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши, турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиш суд жамоатчилиги ўртасида аҳилликни, жипсликни келтириб чиқариши билан бирга жамоада соғлом муҳитни шакллантиради, иш унумининг ошишига имкон беради. Бинобарин, буюк бобокалонимиз Беруний таъкидлаганларидек **“Ҳар қандай эзгу амални қилиш учун, энг аввало, руҳиятимиз тетик, қалбимиз беғубор, пок бўлиши керак”**. Суд иши ўз табиатига кўра эзгу амал, адолатни қарор топтириш бўлгани учун қалбимиз беғубор, одилликка йўғрилган бўлиши лозим. Жисмоний тарбия ва спорт бунинг айна воситасидир, яъни белимизга қувват, қалбимизга соф ҳарорат бахш этади.

Учинчидан, суд тизимида самарали тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тарғибот ва ташвиқот ишларининг бош госяси судья ва суд ходими деган юксак номга доғ туширмаслик, уларни ҳар хил ёмонликлардан асраб-авайлашга чақириш бўлиши лозим.

Бунда ўз манфаати деб, нафсини жиловлай олмаган айрим шахсларнинг ачи-



нарли аҳволга тушиб, жамиятда шарманда бўлаётганлигини, уларнинг оила аъзолари, айниқса, шириндан-шакар фарзандлари кўни-қўшни ва маҳалла аҳли ўртасида қандай аҳволга тушаётганларини тизимли равишда судьялар ва суд тизими ходимлари, фуқаролар билан бўладиган учрашувларда хабардор қилиб боришга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш кераки, кейинги пайтларда тўй-ҳашамларда айримларимиз ўзимизни бошқаларга кўз-кўз қилиш билан овора бўлаяпмиз. Ҳаттоки, баъзиларимиз бошқаларда йўқ қимматбаҳо машиналарни миниб бориб, кимларнингдир эътиборини тортишгача бораяпмиз. Айримларнинг тўйларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, қоникмай, тўйдан чиқиб қайсидир ресторанларда яна ичишни давом эттириш ҳоллари, участка нозирларига бўйсунмасдан жанжал чиқаришларини қандай





изоҳлаш керак. Минг афсуски, бу ҳолатлар яхшиликка олиб келмаслиги аниқ...

Судья ва суд ходимлари шайтоний ҳою-ҳавасларга берилмасдан, иймон билан виждонига содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширсagina тўғри йўлни танлаган бўлади.

Маълумки, қадим-қадимдан қози мартабасига эришган инсон ниҳоятда камтар ва пок ниятли бўлган. Унинг ақлу-салоҳиятидан, юриш-туришидан, кийинишидан, муомала маданиятидан бошқалар ўрнак олган. Шунинг учун қозилар жамиятда энг ҳурматли, юксак мартабали инсон бўлишган. Тарихимиздан бундай мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин.

Тўртинчидан, Судьялар олий кенгаши томонидан ўрганилаётган иш таҳлиллари шунини кўрсатаётгани, айрим судьялар ва суд ходимлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, меҳнат интизомига риоя қил-

маслик, тегишли суд ҳужжатларини ўз вақтида юбормаслик, бепарволиги ва эътиборсизлиги натижасида фуқаролардан келиб тушаётган норозилик аризаларида кўрсатилган хато-камчиликлар асосида уларга нисбатан зудлик билан тегишли чоралар кўрилиши талаб қилинади.

Ҳар қандай камчиликлар ҳақида, ҳаттоки у энг арзимас бўлиб кўринсада, суд раҳбарларини ўз вақтида хабардор қилиш ва бунга тезлик билан тегишли чора кўриш тизимини йўлга қўйиш шарт. Бунда суд раҳбарлари мазкур камчиликларни соҳа мутасаддилари ўртасида жиддий муҳокама қилишлари ва бошқа ваколатлари доирасида иш тутганлари маъқул.

Судьянинг хатога йўл қўйиши, у қандай мазмунда бўлмасин адолатсизлик деб баҳоланишига олиб келишини англаб етиш энг муҳим вазифадир.

Судьялар олий кенгаши сизлардан қонун нормаларига, қасамдга содиқ бўлишни, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Бир сўз билан айтганда, суд тизимини мутлақо коррупциясиз соҳага айлантиришга эришиш учун барчамиз биргаликда зарур чора ва имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Ушбу ўта жиддий ва хавфли иллат масаласида огоҳлантиришни қанда қилмасдан, доимий равишда эслатиш суд раҳбарларининг асосий мажбурияти ва конституциявий бурчи ҳисобланишини унутмайлик.

Ҳаётда жуда кўп бора исботланганидек, адолатли киши албатта шон-шарафга эришади. Чунки, инсониятнинг энг ноёб ту-



шунчаларидан бири – АДОЛАТдир. Ўйлаб кўринг, ундан устун турадиган яна нима бор?!

Ҳақиқатан ҳам “адолат-ҳаёт булоғи” экан. Мен бутун умрим давомида ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қилиб келмоқдаман. Аммо, унга кимлар қанчалик ишонганини билмайман, чунки мен ҳеч қачон мажбурлаш маъносида гапирмаганман..!

Бешинчидан, буюк боболаримизнинг адолат, ҳалоллик, поклик ва ҳақиқат ҳақидаги бебаҳо битикларини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бутун умри давомида адолатни ўзининг энг асосий ҳаётий шиори деб билган бобокалонимиз — Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам ўз васиятида “**Ўғилларим адолат ва эзгулик қилмоқ доимий дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин**”, дея бежиз айтмаган. Ёки, Оқсарой пештоқиға “**Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир**”, деган ҳикматли сўзларни ёздирганида ҳаётий ҳақиқатни ифодалаган.

Шеърят султони ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг таъбири билан айтганда: “**Инсон ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалардан бири бу – адолат, халқнинг ҳаётига эътибор, давлатчилик сиёсати, халқ бошқарувининг барчаси адолат заминидан бунёд этилади**”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг барча учун ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо сатрларидан бирини келтирмоқчиман:

*“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидир!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса (нотўғри иш қилса) жазо топгусидир”*

Бу сўзлар барчамизга тааллуқлидир!

Ўрни келганда фуқароларимиз ва касбдошларимиз эътиборини ҳам яна бир масалага қаратмоқчиман. Келинлар, ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларимизни босиқлик, андишаю-иймон, шарм-ҳаё билан ҳал этайлик. Ортиқча ҳиссиётга берилиб, шовқин-сурон билан битган ишнинг охири ҳам яхши бўлмайди, ўзбекона одатларимизни оёқ ости қилмайлик, ҳар бир масалани осойишталик билан ҳал этишга нима етсин, “яхши гап билан илон инидан чиқади...” деган гап ҳам бор-ку.

Азизлар, хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳаётда ҳалол меҳнат, инсонпарварлик, адолатни беғараз амалга ошириш, халқи-ватанига фидойий бўлиш, камтаринликни одат қилиш ҳаётга ҳавас билан қарашни, бирор-бир моддий бойлик билан алмаштириш мумкин эмаслигини ҳам англаб етишимиз шарт экан.

Ўйлайманки, ҳамкасбларимиз ва фуқароларимиз юқорида келтирилган ҳаётий гаплардан тўғри хулоса чиқарадилар ва бундай эзгу ишларимиз самараси учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, албатта.

Суд тизимида ишловчиларни яна бир бор қасамёдга содиқ қолишга, холисликни таъминлашга, адолат ва ҳақиқат йўлида қатъиятли бўлишга чақираман!





СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА ИЛК БОР МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган Судьялар олий мактабида 2019 йил 4 сентябрь кун 2019/2020 ўқув йили учун бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, сенаторлар, депутатлар, тегишли ташкилотлар раҳбарлари, юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасалари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мухбиримиз тадбир иштирокчиларидан интервьюлар олди.



Комил СИНДАРОВ,
Судьялар олий мактаби директорининг ўринбосари, юридик фанлар доктори:

— Мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган судьялик лавозимларига номзодларни тайёрловчи судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрловчи, уларнинг малакасини оширувчи мазкур давлат таълим ва илмий-тадқиқот муасса-

сасида ўқиш истагини билдирган судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан Судьялар олий кенгаши ва Олий суд томонидан белгиланадиган квоталар асосида жорий йилнинг август ойида 2019/2020 ўқув йили учун магистратурага шаффоф ва ҳолисона кириш имтиҳонлари ўтказилиб, синовдан муваффақиятли ўтган 60 нафар талабгор Судьялар олий мактабининг тингловчилари сафига қабул қилинди.

Олий мактабда магистратура босқичи бўйича ўқиш жараёнлари бошлангунга қадар ўқув режалари, дастурлар ва малакавий талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур талаблар асосида ўқув жараёнига иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўринли фойдаланган ҳолда

асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини юзага чиқарадиган интерфаол педагогик услубларнинг татбиқ этилиши назарда тутилган. Қайд этиш лозимки, ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш таълим муассасалари билан интернет тармоғи орқали онлайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам яратилиб, аудиториялар бунга мос равишда талаб даражасида замонавий ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланди.

Олий мактабда “судьяни судья ўқитади” деган принцип асосида юксак касбий маҳоратга, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган изланувчан, таниқли ва талабчан судьяларнинг жалб этилганлиги замонавий педагогик услублар билан амалиётнинг уйғунлашувини яққол намоён этади. Шунингдек, ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини кўллаш кўникмаларига эга профессор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилди. Судьялик лавозимларига номзодлар судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларига ўргатилади.

Илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятни шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастурини янада такомиллаштириш мақсадида йигирмага яқин халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар таълим муассасаларининг ваколатхоналари ҳамда Россия, Қозоғистон, Канада, АҚШ, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Япония ва бошқа давлатларнинг судьялар тайёрлашга масъул муассасалари билан илмий-амалий, ўқув-услубий, ахборот алмашинув, моддий-техник соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**Зулфия
НУРАЛИЕВА,**
*Судьялар олий
мактаби ма-
гистратураси
тингловчиси:*



– Жорий йилнинг август ойида 2019/2020 ўқув йили учун магистратурага шаффоф ва холисона кириш синовлари ўтказилди. Биринчи иншо ёзган бўлсак, иккинчи тест синовларидан ўтдик. Мана шу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган 60 нафар талабгорнинг ичида мен ҳам тингловчи бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

Ўзбекистон тарихида илк бор ташкил этилган мазкур давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг магистратураси тингловчиси бўлганимдан фахрланаман. Шу билан бирга, биз илк тингловчилар олдида Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган муҳим вазифа, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, салоҳиятли судья бўлиб етишиш каби масъулият турганлигини ҳам ҳис қилаяпман. Мана шу бир йил давомида Судьялар олий мактабида бериладиган дарслардан жуда унумли фойдаланишимиз шарт деб ҳисоблайман.

Биз бугун гувоҳи бўлиб турибмизки, ўқув жараёнига иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услублари татбиқ этилган.





Ботир САМАРХЎЖАЕВ,
Судьялар олий мактабининг
“Ўқув методик бўлими”
бошлиғи, юридик фанлар
доктори:

– Бугун Судьялар олий мактабининг илк марта 2019-2020 ўқув йили учун бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиши гувоҳи бўлиб турибмиз.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, малакали кадрлар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, адолатли судьялик қарорларини қабул қилиш гарови ҳисобланади.

Шунинг учун судьялар корпусини юқори билим ва салоҳиятга, етарли тажриба ва кўникамага эга юридик кадрлар, жумладан, биринчи навбатда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида намунали фаолият юритаётган ходимлар ҳисобидан шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий мактаб магистратурасини тамомлаган судьяликка номзодлар келгусида юксак маънавий-ахлоқий фазилатга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил фикрлаш, энг муҳими ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарликни ўзига олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар бўлиб етишиши лозим.

Бунинг учун биз ўқитувчилар ўз устимизда тинмай изланишимиз лозим деб биламан. Бугун ривожланган демократик мамлакатларнинг судьялар тайёрлаш тизимини ҳам чуқур ўрганишимиз лозим.



Дилмурод ДАВЛАТОВ,
Судьялар
олий мактаби
магистратураси
тингловчиси:

– Алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги 2-3 йил ичида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш вазифаси асосий устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бунинг натижаси ўлароқ суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганди.

Мамлакатимиз Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 июнда судьялар билан бўлиб ўтган тарихий учрашувдаги маърузасида суд тизимининг бугунги кундаги аҳволи, ундаги камчиликлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтиб, суд тизимидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар қандай вазиятда ҳам одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга қодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган судьялар таркибини шакллантириш, судьяликка номзодларни тайёрлаш ва амалдаги судьялар малакасини оширишга ихтисослашган алоҳида ўқув муассасасини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини белгилаб берган эдилар.

Биз Судьялар олий мактаби тингловчилари Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган мана шу вазифаларнинг ижроси сифатида ташкил этилган ушбу таълим муассасасини муваффақиятли тамомлашимиз ва келгусида юксак салоҳиятли судьялар бўлишга интилишимиз шарт деб ҳисоблайман.





Элдор ҚУРБОНОВ, Судьялар олий мактаби “Ўқув методик бўлими”нинг бош мутахассиси:

– 2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ушбу мактабда бир йил давомида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахсларгина судьялик лавозимларига тайинланиши давлатимиз Раҳбари томонидан имзоланган қарорда қатъий белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Бунинг замирида одилона, фақат қонунларга асосланган ҳолда адолатли қарор, ҳукм ва ажрим чиқарадиган, иқтидорли, маънавияти ва маърифати юксак бўлган судьялар корпусини шакллантириш мақсади ётибди. Бугунги кун судьяси фақатгина қонунларни тўғри қўллай билишигина эмас, балки кенг дунёқарашга эга, виждонли, маънавиятли ва энг асосийси адолат ишини беғараз амалга оширадиган шахс бўлиши лозим.

Судьялар олий мактаби олдида мамлакатда судьялар корпусини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиш, юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлаш техноло-

гиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларга эга, мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол судья ва суд ходимларини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган мазкур давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича илк бор судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш ва давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил этади.

Таълим даргоҳида рамзий қўнғироқ чалинганидан сўнг илк дарслар бошланди. Тингловчилар ўзлари ихтисослашган фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий ҳуқуқ ва касбий кўникмалар кафедраларида мутлақо янгича фикрловчи, янгича ишловчи, интилувчан, фақатгина қонунга бўйсунувчи судьялар бўлиб этишишни мақсад қилдилар. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Судьялар олий мактаби “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши шарт” деган фикрга асосланиб, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, янги форматдаги судьялар корпусини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Шерзод ДАМИНОВ тайёрлади.

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ КАФЕДРАЛАРИ: БОШ МАҚСАД – МАЛАКАЛИ, ЕТУК СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4096-сон қарорига асосан Судьялар олий мактабида 5 та кафедра ташкил қилинган.

Журналимизнинг бугунги сонидида ушбу кафедралар, уларнинг олдида турган асосий вазифалар тўғрисида батафсил танишасиз.

“ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

Кафедра ўқув дастурларини фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳужжатларни тузиш, меҳнат, уй-жой ва оила билан боғлиқ ҳуқуқ фанларини чуқур ўргатишга қаратилган сабоқларни суд соҳасидаги йирик мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этган.

Ўқув дастурлари бажарилишида кафедра томонидан ўқитувчиларнинг олдида қўйилган асосий вазифа тингловчилар билан кўпроқ амалий машғулотлар ўтказиш, суд мажлисларини олиб бориш кўникмаларини шакллантириш ҳамда суд ҳужжатларини тузиш бўйича билимларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Кафедранинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, тингловчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув, услубий ва илмий-услубий ишларни амалга оширишнинг ягона тизимини шакллантиради;

тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантиради;

мунтазам равишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб

масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказилади;

тингловчиларни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгаришлар ва қўшимчалар, миллий ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириб боради;

тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни йўлга қўяди;



таълим жараёнини судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларида фуқаролик ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқи фанлари бўйича белгиланган машвурот турларини юксак назарий, илмий-амалий даражада ўтказишни таъминлайди;

фуқаролик ишлари бўйича судьялар, судьяликка номзодлар ва суд тизими ходимлари учун намунавий ўқув дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

бошқа таълим муассасаларининг турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хулосалар беради;

ўқув, услубий ва кўргазмалар қўлланмалар тайёрлайди;

нашр этиладиган ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тайёрлайди;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилиш, нашр этишига тавсия этиш ва уларнинг натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этишни, таълим, фан ва ҳуқуқий амалиётнинг узвийлигини таъминлайди;

кафедра профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-тадқиқот ва ҳуқуқий тарғибот ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш ва илгор тажрибаларини оммалаштиришига қаратилган ишларни ташкил этади;

таълимнинг илгор шакл ва усуллари, замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини малака ошириш жараёнига жорий этиш асосида тингловчиларни касбий билим, кўникма ва малакаларини оширишни таъминлайди;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот базасини яратилиш, ўқув машвуротларида замонавий ўқув-техника воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларида ташкил қилади.



КАФЕДРА МУДИРИ:

Насриев Илҳом Исмоилович

И. Насриев юридик фанлар доктори, профессор. 1995-2003 йилларда суд тизимида турли лавозимларда ишлаган. 2004-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати бўлган. 2015 йилдан буён юридик таълим соҳасида илмий-педагогик фаолиятини олиб бормоқда. И.Насриев ҳуқуқни қўллаш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлиб бир қатор дарсликлар, илмий қўлланма ва рисоалар, ўқув-услубий мажмуалар, монографиялар ва кўплаб илмий мақолалар муаллифи ҳамдир.



КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ:

Тажибоев Маъруфжон Маматожиевич

М. Тажибоев 2003-2019 йилларда фуқаролик ишлари бўйича суд тизимида турли лавозимларда, жумладан, Олий суд судьяси, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоят суди раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. Кўплаб қўлланмалар, услубий-тавсиялар, монографиялар ва бир қанча илмий мақолалар муаллифидир. Унинг бевосита иштирокида кафедра томонидан қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар, монографиялар ва кўплаб илмий мақолалар тайёрланмоқда.

Ҳозирда кафедрада “Фуқаролик процесси” фани бўйича маърузаларни ва амалий машвуротларни ўтказиб келмоқда.



КАБИНЕТ МУДИРИ:

Солиева Зиёдахон Комилжоновна

З. Солиева — юридик фанлар номзоди. 2002-2019 йилларда суд тизимида турли лавозимларда ишлаган. 2019 йилдан буён юридик таълим соҳасида илмий-педагогик фаолиятини бошлаган. 1 та монография ва кўплаб илмий мақолалар муаллифи.



“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ” КАФЕДРАСИ

Кафедра Жиноят ишлари бўйича судьяларни тайёрлаш таълим дастури муаммовий ўқитиш негизда инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда оқилona қарор қабул қилиш ва тизимли таҳлил кўникмаларини ривожлантирувчи интерфаол технологияларни таълим жараёнига жорий этишга асосланган тарзда шакллантирилишига алоҳида аҳамият қаратган.

Таълим дастурига асосан тингловчилар учун юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни

бошқариш, музокаралар олиб бориш тактикаси, нотиклик санъати, ахборот билан ишлашга оид назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган фанлар ўқитилади. Шу билан бирга, жиноят ишлари юритувига оид ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва оқилona кўллашга доир амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган махсус фанлардан иборат дарс жараёнларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, амалиётдан келиб чиқиб, “Жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммолари”, “Жиноят процессуал ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатлари”, “Жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” махсус фанлари таълим дастурига киритилган.

Мазкур фанлар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий тажрибага эга бўлган соҳанинг энг кўзга кўринган олимлари ва мутахассислари жалб қилинган.

“Жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” фанидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси, юридик фанлари номзоди, доцент Турғунбоев Элбек Одилжанович, “Жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммолари” фанидан жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди судьяси, юридик фанлар номзоди, доцент Хошимхонов Ахрор Мўминович, “Жиноят процессуал ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатлари” фанидан юридик фанлар доктори, профессор Миразов Даврон Мирағзамович ва юридик фанлар доктори, доцент Рахмонова Сурайё Махмудовналар таълим жараёнига жалб қилинган.



Жиноят ишлари бўйича судьяларнинг таълим жараёнига жалб қилиниши натижасида тингловчиларда амалиётда мавжуд муаммоларни тўғридан-тўғри ҳуқуқни қўлловчи амалиётчиларнинг ўзидан ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятларда асосли қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланмоқда.

Мустақил таълим жараёнини самарали ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрида жиноят ишлари бўйича Чилонзор, Миробод, Яккасарой туманларида бевосита суд мажлиси ва судда иш юритишни кузатиш, имитацион суд мажлислари ташкил қилиш, суд фаолиятига оид ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилиш, жиноят ишлари юзасидан суд амалиёти умумлашма материалларини таҳлил қилиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратурасида ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида тингловчи эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида ба- жарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижасини баҳолаш, тингловчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида магистрлик тадқиқот ишлари мавзулари шакллантирилган. Мавзулар Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида белгиланган асосий йўналишлар билан уйғун тарзда шакллантирилган бўлиб, мазкур мавзулар магистрантларнинг илмий-амалий салоҳиятини ривожлантириш, амалдаги қонун нормаларини танқидий — таҳлил қилиш ва халқаро тажрибани тизимли ўргатишга йўналтирилган.



КАФЕДРА МУДИРИ:
Рахмонова Сурайё Махмудовна

С.Рахмонова юридик фанлар доктори, доцент. 2002-2016 йиллар мобайнида юридик таълим соҳасида илмий-педагогик фаолият олиб борган. Шунингдек, у ҳуқуқни қўллаш соҳасида амалий тажрибага ҳам эга бўлиб, прокуратура органларида фаолият юритган. С.Рахмонова 2 та дарслик (умумий таҳрир остида), Жиноят-процессуал кодексига шарҳ (ҳаммуаллифликда), 5 та рисола, 4 та ўқув қўлланма, 3 та ўқув-услубий мажмуа, 3 та монография, 80 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.



КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ:
Мўминов Беҳзод Абдувахобович

Б. Мўминов юридик фанлар бўйича фалсафа доктори. Кўп йиллар суд-тергов соҳасида хизмат қилган, бой амалий тажрибага эга, 2 та монография, 30 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.





“МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ

Кафедра фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли қарори, Судьялар олий кенгаши раисининг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари, Олий мактаб директорининг буйруқлари асосида олиб борилади.

Кафедра фаолиятининг асосий вазифаси интерфаол ўқитиш усулларини таълим жараёнига жорий этиш билан биргаликда кафедра томонидан магистр-тингловчиларга “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда процессуал ҳужжатлар”, “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муаммолари”, “Маъмурий суд ишларини юритишдаги процессуал ҳужжатлар”, “Маъмурий суд ишларини юритишнинг муаммолари” каби фанлардан маъруза, семинар ва амалий машғулотлар олиб боришдан иборат. Ўқув-услубий қўл-

ланмалар доимий равишда янгиланиб борилади.

Кафедра ишига Ўзбекистон Республикаси Олий суд судьяси Эшимбетов Махмуд Ўразбоевич, М.Улуғбек туман Маъмурий суди раиси Шукуров Фарход Бакиевич, Тошкент шаҳар Маъмурий суди судьяси Усмонова Нилуфар Бобохоновна, Янгийўл туман Маъмурий суди раиси, юридик фанлар номзоди, доцент Жавлиев Нурали Баходирович, шунингдек Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, мутахассислар жалб қилиниб, магистрларга ўзларининг бой тажрибаси ва илмий салоҳияти доирасида билим бериб келмоқдалар.

Ўқув жараёни бевосита тингловчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, судьялик касбига тайёрлаш, тингловчиларда судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш юзасидан зарурий кўникмаларни шакллантириш, судьяликка номзодларнинг янгича ёндашув асосида илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Мазкур ўқув йилида қабул имтиҳонлари натижаларига кўра Олий мактаби магистратурасининг “Маъмурий судлар фаолияти” йўналиши бўйича 15 нафар тингловчи қабул қилинган. Тингловчиларнинг аксарияти юртимизнинг турли ҳудудларидан бўлиб, маъмурий судларда, ички ишлар тизимида ва адвокатурада фаолият кўрсатган, шунингдек, соҳа бўйича етарли тажриба ва кўникмага эга бўлган мутахассислардир.

Ўқув жараёнларига маъмурий судлар судьяларининг жалб қилиниши натижасида тингловчиларда амалиётда мавжуд муаммоларни тўғридан-тўғри ҳуқуқни қўлловчи амалиётчиларнинг ўзидан ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятларда



асосли қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланишда.

Тингловчиларни амалиётга кириб боришини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларидаги сўнгги янгиликлар, миллий ва хорижий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги илғор тажриба, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг иш юритиш юзасидан тегишли қарорлари билан таништириш тизимли йўлга қўйилган.

Тингловчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий онгини ошириш мақсадида кундалик маърифат дарслари ташкил қилинган бўлиб, унда тингловчилар турли мавзулар юзасидан маъруза қилиши ва бошқа тингловчиларнинг саволларига жавоб бериши йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, тингловчиларда нотиклик, мустақил фикрлаш ва ўз позициясини асослантириш кўникмаларини шаклланишига хизмат қилмоқда.

илмий-тадқиқот ишларининг натижасини баҳолаш, тингловчиларда таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида магистрлик тадқиқот ишлари мавзулари шакллантирилган. Мавзулар бугунги кундаги маъмурий суд соҳасида назария ва амалиётда учрайдиган муаммо ва камчиликлардан келиб чиққан ҳолда, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий таҳлил қилиб, хориж тажрибасини тизимли ўрганиш юзасидан белгиланган.



КАФЕДРА ҲАМИДОВА:

Ҳамидов Анвар Музаффарович

А. Ҳамидов — юридик фанлар номзоди, доцент вазифасини бажарувчи. 2006-2013 йиллар мобайнида Тошкент давлат юридик институти “Маъмурий ва молия ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, 2013-2017 йилларда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раиси ва 2017-2019 йилларда туман (шаҳар) маъмурий суди раиси лавозимларида фаолият юритган. 2019 йил 1 мартдан ҳозирга қадар Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқуқ” кафедрасининг ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Соҳага оид 1 та рисола, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, 30 га яқин илмий мақолалар муаллифидир.



Мустақил таълим жараёнини самарали ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрида Чилонзор, Учтепа, Шайхонтохур туман маъмурий судларида бевосита суд мажлиси ва судда иш юритишни кузатиш, имитацион суд мажлислари ташкил қилиш, суд фаолиятига оид ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилиш, соҳа юзасидан суд амалиёти умумлашма материалларини таҳлил қилиш йўлга қўйилган.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратурасида ўқитиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ, ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида тингловчи эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарилган



КАБИНЕТ МУДИРИ:

Дилмуродова Санобархон Илғор қизи

С. Дилмуродова — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тамомлаб, 2019 йил 4 сентябрдан ҳозирга қадар Судьялар олий мактаби “Маъмурий ҳуқуқ” кафедрасининг кабинет мудири лавозимида ишлаб келмоқда. 2 та илмий мақола муаллифидир. Бир неча хорижий тилларда эркин мулоқот қила олади.



“ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси Олий мактабнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Кафедрада таълим беришнинг илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар, шунингдек судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд қарорларининг илмий-таҳлил ва амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган кадрларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш, малакали магистр ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш масалалари бўйича ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва ҳуқуқий-тарғибот ишлари амалга оширилади.

Кафедранинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

- мунтазам равишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- тингловчиларни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгартиришлар ва қўшимчалар, миллий ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириш;

- таълим жараёнини судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва судьялар, судлар аппарати ходимларининг касбий билимларини ошириш бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-амалий даражада ўтказиш; судьялар, судьяликка номзодлар ва суд тизими ходимлари учун намунавий ўқув дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- ўқув, услубий ва кўргазмалар қўлланмалар тайёрлаш; нашр этиладиган ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тайёрлаш; тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бо-



риш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш, нашр этишга тавсия этиш ва уларнинг натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш, таълим, фан ва ҳуқуқий амалиётнинг узвийлигини таъминлаш;

- хорижий таълим муассасалари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, чет эллик эксперт мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш;

- кафедрада ўқитиладиган мавзулар бўйича якуний имтиҳон (синов) саволлари, тест саволлари ва казуслар тузиш ҳамда уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Кафедра ўзига юклатилган вазифа ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан зарур статистик маълумотлар, ахборот-таҳлилий материаллар, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига доир умумлашмаларни олиш;

- судлардан суд амалиётини умумлаштириш мақсадида ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган суд ишларини сўраб олиш;

- судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

- зарур ҳолларда, экспертлик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва маслаҳат олиш учун давлат органлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини, олимлар, мутахассислар ва экспертларни жалб этиш;

- суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб муаммолари бўйича даврий, илмий-назарий ва амалий нашрларни чоп этиш;

- маҳаллий ва хорижий олим ва экспертлар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва адвокатларни жалб этган ҳолда тематик, жумладан халқаро форумлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш.



КАФЕДРА МУДИРИ:
Қаландарова Маликахон Пирназаровна

М. Қаландарова — юридик фанлар номзоди.

2008-2013 йилларда Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси, 2015-2016 йилларда Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг бош мутахассиси, 2016-2019 йилларда Тошкент шаҳар иқтисодий судининг судьяси лавозимларида фаолият кўрсатган.

2019 йил 4 июндан ҳозирга қадар Судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келмоқда.



КАФЕДРА ҲАМРАЎЧИ:
Сайдахмедов Умид Муродович

У. Сайдахмедов — 2010 йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тамомлаган, ҳуқуқ магистри. 2017 йилда Андижон вилоят хўжалик судининг судьяси, 2017-2019 йилларда Бўз туманлараро иқтисодий судининг раиси вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 2019 йил 10 июндан “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси.

У. Сайдахмедов 2 та дарслик (ҳаммуаллифликда), 2 та ўқув қўлланма, 1 та монография муаллифи ҳамда унинг 70 дан ортиқ, шундан хорижда 2 та илмий мақолалари чоп этилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тадқиқотчиси.



“КАСБИЙ КЎНИКМАЛАР” КАФЕДРАСИ

“Касбий кўникамлар” кафедрасида таълим беришнинг илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар, шунингдек судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга ва амалий кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедранинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- судьяни касбий этика, одоб-ахлоқнинг юқори стандартларига амал қилиши;
- судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси нормаларига риоя этиши;
- суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа тугдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши;
- етук касбий кўникмага эга бўлиши,
- судьяларни “инсон-ҳуқуқ” тизимидаги психологик қонуният ва тамойилларни ўзига хосликларини ўрганиши;
- конфликтология, стресс ва стрессни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш;
- тайм-менежмент, вақтни бошқариш, иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш жараёнларини ўрганиш ҳамда оқилона хулосалар чиқаришда салоҳиятини юксалтириши;
- ахборот технологиялар фойдалана олиши кўникмасини шакллантириши;
- чет тиллари ва рус тилида мулоқот қила олиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Кафедранинг мақсади, етук назарий билим, амалий кўникмага эга, суд соҳасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда халқаро қоидалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қиладиган, ўз касбини етук эгаллаган судья, суд ходим, шунингдек раҳбар кадрларни тарбиялашдан иборатдир.



КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ: Қурбонов Нурали Баходирович

Н. Қурбонов 2001 йилда Тошкент давлат юридик институти бакалавр босқичини, 2003 йилда магистратура босқичини тугатган, 2011 йилда юридик фанлар номзоди илмий даражасини олган.

2003 йилда Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” кафедраси ўқитувчиси лавозимида меҳнат фаолиятини бошлаган. 2011-2014 йилларда жинойат ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туман судининг раиси, 2014-2017 йилларда жинойат ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси, 2017 йил июндан 2019 йил март ойига қадар Навоий вилоят маъмурий судининг судьяси лавозимда ишлаган.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ВА СУД АМАЛИЁТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,
Судьялар олий мактаби
директори, юридик фанлар
номзоди

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонун ҳужжатлари, бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши бўйича халқаро тажрибанинг аҳамияти, интеллектуал мулк ҳуқуқини суд органларида ҳимоя қилиш амалиётининг халқаро талаблар даражасида йўлга қўйилиши масалалари ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Интеллектуал мулк, интеллектуал мулк объекти, муаллифларнинг маънавий ва моддий манфаатлари, товар белгилари, саноат намуналари, зирром рақобат, фойдали моделлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены вопросы законодательства Республики Узбекистан, касающиеся прав интеллектуальной собственности, значение международного опыта в принятии этих документов, налаживание практики защиты прав интеллектуальной собственности в судебных органах на уровне международных требований.

Ключевые слова: Интеллектуальная собственность, объект интеллектуальной собственности, моральные и материальные интересы авторов, товарные знаки, промышленные образцы, недобросовестная конкуренция, полезные модели.

ANNOTATION

The article highlights the legislation on the right to property in the Republic of Uzbekistan, the importance of international experience in the adoption of these documents, issues of establishing the practice of the right to property in judicial bodies at the level of international requirements.

Keywords: Intellectual property, intellectual property object, moral and material interests of the authors, trademarks, industrial designs, unfair competition, useful models.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам миллий қонунчилигимизда ҳам интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар энг муҳим фуқаролик ҳуқуқлардан бири сифатида тан олинади. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи ҳисобланган илмий, адабий ва бадиий фаолият натижаларига нисбатан маънавий ва моддий манфаатларини муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадир.

Халқаро шартномалар юзасидан вужудга келган низоларнинг судга тааллуқлилиги, суд қарорларининг бажарилиши бўйича халқаро битимлар ва конвенциялар мавжуд.

Халқаро тажрибага назар ташласак, ГФР қонунлари судларга тарафлар тақдим этган далиллар билан чегараланиб қолмасдан, бошқа манбаларни ҳам жалб этишга ва судга маълум бўлмаган чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш учун бошқа чораларни кўришга ваколат беради. Чет давлат ҳуқуқий ех officio меъёрлари мазмунини белгилаш Венгрия, Австрия, Туркия, Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунларида ҳам назарда тутилади.

Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни¹ чет давлат ҳуқуқи мазмунини белгилашни судга юклайди, бунда суднинг тарафларга ёрдам сўраб мурожаат қилишига йўл қўйилади. Мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш тарафларга юклатилиши мумкин.

Франция судларида чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш мажбурияти тарафларга юклатилган; шу билан бирга судлар, агар чет давлат ҳуқуқи меъёрлари уларга маълум бўлса, ўз ташаббусига кўра ҳам қўллашлари мумкин.

Ўзбекистон ҳам интеллектуал мулк объекти ва уларнинг муаллифларини маънавий ва моддий манфаатларини муҳофаза қилинишини таъминлаш юзасидан халқаро

миқёсдаги бир қанча битимлар, келишувлар, конвенцияларни ратификация қилган.

Хусусан, 1993 йилдан буён Париж Конвенцияси иштирокчиси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)² аъзоси;

Патент кооперацияси тўғрисидаги 1977 йилдаги Париж шартномасининг иштирокчиси;

Товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 1891 йил (1976 йил) Мадрид Келишувининг³, Маҳсулот ишлаб чиқарилган жойнинг номини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Лиссабон кенгашининг⁴, Санот намуналарини депонент қилиш бўйича Гаага келишувининг⁵ ва шунга ўхшаш қатор халқаро шартнома ва конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

БИМТнинг вазифаларидан бири бутун дунёда давлатлар ўртасида келишув ва Битимлар асосида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва ҳар хил шартнома ҳамда конвенцияларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашдан иборат.

БИМТнинг маблағлари ва фаолияти асосан ривожланиб келаётган давлатлар, айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ривожланишига қаратилган. Бу ташкилот 1974 йил декабр ойида БМТнинг ҳукуматлараро халқаро ташкилоти деган махсус мақомини олган.

XIX асрнинг охирига келиб интеллектуал фаолият натижасидаги ихтиролар тараққиётнинг белгилловчи омилига айланди.

Халқаро миқёсларда илмий техникавий бозор вужудга келди, турли мамлакатларда бу соҳани тартибга солувчи қонунларни яхлитлаштириш ёки бир бирига мазмунан яқинлаштириш зарурати туғилди.

Муаллифлик ҳуқуқини тартибга солувчи 1886 йилда тузилган адабий ва бадиий асарларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенцияси қабул қилинди⁶.

1967 йил 14 июлда Стокгольмда қабул қилинган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)ни таъсис этиш ҳақидаги Конвенцияда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари доираси белгиланди ва бинобарин «интеллектуал мулк» тушунчаси маълум маънода ҳуқуқий асосга эга бўлди⁷.

Унга кўра:

- адабий, бадиий асарлар ва илмий ишлар;
- артистларнинг ижрочилик фаолияти, фонограммалар ва радиоэшиттиришлар;
- инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтиролар;
- санот намуналари;
- илмий кашфиётлар;
- маҳсулот белгилари, хизмат белгилари, тижорат номлари ва белгилари (рамзлари);
- гирром рақобатнинг олдини олиш;
- санот, адабий ва бадиий фаолият соҳаларида интеллектуал фаолиятдан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар.

Санот мулки деганда инсон тафаккури, ижоднинг маҳсули бўлган ва амалиётда қўллаганда моддий ёки бошқача тарзда самара берадиган маҳсуллари тушунилади.

Маълумки санот мулкининг асосий тури бўлган ихтиролар дастлаб асосан санотда бевосита қўлланилган ва кейинчалик моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида татбиқ этила бошлаган. Бироқ бу даврга келиб, «санот мулки» тушунчаси Европа тилларида ва Европа мамлакатлари қонунларида мустақам ўрнашиб қолгани учун гарчи етарли даражада аниқ ифодаланган ибора бўлмаса ҳам тегишли ибора билан алмаштирилмади.

Париж Конвенциясининг 1-2-моддасига асосан санот мулкининг муҳофаза объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ихтиролар;
- фойдали моделлар;
- санот намуналари;
- маҳсулот белгилари;
- хизмат белгилари;
- фирма номи;
- кашфиёт;
- манбани (маҳсулот келиб чиқиш манбаси) кўрсатувчи маълумот;
- маҳсулот келиб чиқиш (тайёрлаш) жойининг номи;
- гирром рақобатнинг олдини олиш.



Юқорида кўрсатилгандек, интеллектуал мулк таркибига кашфиётлар ҳам киради. Бироқ кашфиётларнинг фуқаролик ҳуқуқий режими бошқа объектларга нисбатан фарқ қилади. Кашфиёт ҳам ижодий фаолият маҳсули бўлиб, моддий оламнинг илгари номаълум бўлган қонуниятлари ҳодисаларини очиш, аниқлаш ҳисобланади. Агар миллий қонунчиликка назар ташлайдиган бўлсак, илгари амалда бўлган Гражданлик кодексининг⁸ 546-566-моддаларида кашфиётчилик ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилган эди. Бунга асосан кашфиёт Давлат рўйхатидан ўтказилиб, унинг муаллифи кашфиёт қилганлигини, унинг устуворлик санасини гувоҳландирувчи диплом бериш, мукофот бериш ва бошқа мулкий ва шахсий характердаги имтиёзларга эга бўлиш назарда тутилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Аммо, янги Фуқаролик кодексига кашфиёт махсус ҳуқуқий мақомга эга ижодий фаолият маҳсули сифатида белгиланмаган.

Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, кашфиётга бўлган ҳуқуқ у ёки бу шахснинг ундан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини назарда тутмайди, чунки у характери бўйича у ёки бу субъектга монополия (мутлоқ тегишли) объект бўла олмайди.

Шу сабабли ҳам у кўп мамлакатларда бевосита ҳуқуқий муҳофаза остига олинмаган.

1978 йилда БИМТ доирасида кашфиётларни халқаро рўйхатга олиш ҳақида Женева Конвенцияси⁹ тузилган. Лекин ушбу Конвенцияда ҳам илмий кашфиётларнинг махсус муҳофаза шакли назарда тутилмаган. Баъзи муаллифлар бунинг сабабини кашфиёт мулкий муомала объекти бўлишига лаёқатли бўлган ижодий маҳсулотни вужудга келтирмайди, балки моддий олам ҳақидаги тасаввурларимизни чуқурлаштириб, билимларимизни бойитади, англаб етиш, билиб олиш вазифаларини ҳал этади холос, деган қарашлар билан изоҳлайдилар ва бундан кашфиёт билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўла олмайди деган хулосага келадилар.

Конвенцияда устуворлик санасига бўлган ҳуқуқ патентларга, товар белгилари, саноат намуналарига нисбатан мустақкамланган.

Унинг моҳияти шундан иборатки, Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлардан бирига тўғри расмийлаштирилган асосда ариза (талабнома) берган талабномачи муайян белгиланган муддат давомида (ихтироларга ва фойдали моделлар патентларига 12 ой, товар белгилари ва саноат намуналарига 6 ой) бошқа ҳар қандай иштирокчи давлатлардан муҳофаза сўраб мурожаат эти-



ши мумкин, бунда кейинги талабномалар биринчи марта берилган ариза (талабнома) санасида берилган ҳисобланади.

Конвенцияда барча иштирокчи давлатлар риоя қилишлари шарт бўлган қатор умумий қоидалар белгиланган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

✓ *патентларга нисбатан: турли иштирокчи давлатларда айнан бир ихтирога берилган патентлар бир-биридан мустақилдир; бир иштирокчи давлатнинг патент бериши бошқа иштирокчи давлатнинг ҳам патент беришини ҳам шарт қилиб қўймайди. Бир иштирокчи давлатда патент бериш рад этилганлиги, патентни бекор қилганлиги, унинг муддати ўтганлиги бошқа иштирокчи давлатда патент беришни рад этишига, уни муддати тамом бўлган деб эълон қилишига ёки патентни бекор қилишига асос бўлмайди.*

✓ *товар белгиларига нисбатан: товар белгиларига талабнома бериш ва рўйхатдан ўтказиш ҳар бир иштирокчи давлатнинг миллий қонунлари билан белгиланади.*

Хизмат кўрсатиш белгилари ва жамоа белгиларига нисбатан ҳам ҳуқуқий муҳофаза тўла тааллуқлидир;

✓ *саноат намуналарига нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлатда саноат намуналари муҳофаза этилиши лозим ва бунда саноат намунаси ифодаланган буюм бу давлатда тайёрланмаслиги ҳуқуқий муҳофазани ҳақиқий эмас деб топишига асос бўлмайди;*

✓ *фирма номига нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлатда фирма номлари талабнома бериш ёки рўйхатдан ўтказиш шарт бўлмаган ҳолда ҳуқуқий муҳофаза қилинади;*

✓ *маҳсулотларнинг келиб чиқиш жойи кўрсаткичларига нисбатан: ҳар*

бир иштирокчи давлат маҳсулотнинг келиб чиқиш жойи ҳақидаги ёлгон кўрсаткичлардан ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бевосита ёки бавосита фойдаланишига қарши чораларни кўрмоғи шарт;

✓ *гирром рақобатга нисбатан:* ҳар бир иштирокчи давлат гирром рақобатдан самарали муҳофаза қилиниши шарт;

✓ *миллий маъмуриятга нисбатан:* ҳар бир иштирокчи давлат оммани патентлар, товар белгилари, саноат намуналари билан таништириш учун саноат мулки бўйича махсус хизмат ёки марказий муассаса ташкил этмоғи лозим.

Бу хизмат расмий даврий ахборотнома чиқариши лозим. Ахборотномада берилган патент эгаларининг номлари, патентланган ихтироларнинг қисқача изоҳи ва қайд этилган ҳар бир товар белгиси тасвири эълон қилиниб берилиши лозим.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари ва уларга оид ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик базаси ҳали такомиллаштиришга муҳтож эканлиги, юқорида қайд этилган ҳалқаро стандартларга мос келиши учун кўплаб қонунчиликда ислоҳотлар ўтказилиши лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларга нисбатан суд ҳимояси қонун билан кафолатланади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилиш усуллари ичиди суд орқали ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар суд орқали кўп ҳолларда фуқаролик ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилинади.

Агар ҳимоянинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари хусусида гап борадиган бўлса, у фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманлараро судига даъво аризаси берилиши йўли орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқ эгаси ҳуқуқбузарга нисбатан Қонунда белгиланган талаб (ёки бир нечта талаб)ларнинг қай бирини қўйишни танлаб олишга ҳақли. Даъволарнинг тахминий рўйхати қуйидагича:

мутлақ ҳуқуқнинг тан олиниши ҳақида (масалан, ҳаммуаллифликнинг тан олиниши);

жавобгарнинг сохта муаллифлиги фактини ўрнатилиши ҳақида;

ҳуқуқнинг бошланғич ҳолати тикланиши (бузилгунга қадар) ҳақида;

ҳуқуқни бузётган ёки келгусида унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларнинг тўхтатилиши ҳақида;

муаллифлик ҳуқуқи бузилиши факти оқибати келтирилган зарарларнинг ўрнини қоплаши ҳақида;

бой берилган даромади миқдоридagi зарарларнинг ўрни қопланиши ҳақида;

муаллифлик ҳуқуқлари бузилганлиги учун товон тўлаш ҳақида;

маънавий зарарни қоплаш ҳақида;

гонорар ундириш ҳақида (муаллифлик ҳақи);

ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун қўлланилган контрафакт нусхалар, материаллар, ускуналарни мусодара қилиш ҳақида.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш қонунчилигимизга асосан ишлар тоифасига кўра фуқаролик судларидан ташқари иқтисодий судлар, маъмурий судлар ҳамда жиноий судларнинг судловига ҳам тааллуқли ҳоллари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси талабларига мувофиқ тартибда тузилган битим бўлса, бундай низоларни ҳал этилиши ҳакамлик судларига топширилиши ҳам мумкин¹⁰.

Таҳлилларга кўра, судларда кўрилаётган интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар сони йилдан йилга ортмоқда. Масалан, 2011 йил-



да суд органлари томонидан интеллектуал мулк объектлари ва уларга оид ҳуқуқларни таъминлашга алоқадор 22 иш кўрилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 100 дан ошган.

Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизда кундан кунга фан, техника, санъат ривожланиб келаётганлиги, интеллектуал мулк эгаларининг эса ўзларининг интеллектуал мулкига бўлган ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларининг сони ва турлари ортиб бораётганлигидан дарак.

Бизга маълумки, ривожланган мамлакатларда махсус патент судлари фаолият юритади.

Бунга мисол тариқасида Буюк Британия, Германия, Швейцария давлатларини кўришимиз мумкин.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши ва интеллектуал мулкнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрнини кескин ошиб бораётганлиги республикамизда ҳам шундай ихтисослашган судларнинг ташкил этилишига зарурат келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон қарори¹¹ мамлакатимизда интеллектуал мулк эгаларининг интеллектуал мулкига бўлган ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш билан боғлиқ ислохотларни янада кучайтириш вақти келганлигига яққол мисол бўла олади.

Қарорнинг 5-бандида интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси тасдиқланган бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш борасида жуда кўп ишларни амалга ошириш режалаштирилган, жумладан интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқини адлия органларига тақдим этган ҳолда, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланганлик учун маъмурий-жиноий жавобгарликни кучайтириш масаласини кўриб чиқиш ва шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошида Патент судини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиб, асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ҳам асосий вазифа этиб белгиланган.

Мазкур йўл харитасидаги вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ФКнинг янги таҳрири ёзилиши жараёнида ФКнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи, му-



аллифлик ҳуқуқи, ихтироларга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги нормаларини халқаро стандартлар талабларида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, ихтироларга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи нормаларни жамлаган алоҳида боб киритилиши лозим бўлади.

Келгусида бу ўз натижасини беради ҳамда юртимизда ўзининг интеллектуал фойдали ихтиролари билан дунёни лол қолдирувчи ёшларимизнинг етишиб чиқишларига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Международное частное право: Иностранное законодательство / Предисл. А.Л. Маковского; сост. и научн. ред. А.Н. Жильцов, А.И. Муранов. М.: «Статут», 2000. С. 628-673.
2. Минков А. М. ВОИС и основные универсальные международные соглашения в сфере интеллектуальной собственности. — М.: Издательство РУДН, 2000. — 99 с.
3. Arreglo de Madrid relativo al Registro Internacional de Marcas (modificado el 28 de septiembre de 1979) <https://www.wipo.int/portal/es/>
4. Lisbon Agreement for the Protection of Appellations of Origin and their International Registration (as amended on September 28, 1979) <https://www.wipo.int/portal/en/>
5. «Гаагское Соглашение по Международному Депонированию Промышленных Образцов» (пересмотренное 28.11.1960) (вместе с Дополнительным Соглашением, подписанным в Стокгольме 14.07.1967, с поправками, внесенными 02.10.1979) <https://legalacts.ru/>
6. Близначе И. А., Леонтьев К. Б. Авторское право и смежные права: учеб / под ред. И. А. Близначе. — М.: Проспект, 2009.-С 13
7. «Конвенция, учреждающая Всемирную Организацию Интеллектуальной Собственности» (Подписана в Стокгольме 14.07.1967, изменена 02.10.1979) <http://docs.cntd.ru/>
8. Гражданский кодекс Узбекской Советской Социалистической Республики <http://lawlibrary.ru/>
9. Женевский договор о международной регистрации научных открытий Женева, 7 марта 1978 г. <https://dokipedia.ru/>
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда;
11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2019 й., 07/19/4168/2594-сон

БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ



2019 йил 19 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси жаноб Диего Гарсия-Саян билан учрашув бўлиб ўтди.

Судьялар олий кенгаши раиси У. Мингбоев ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори Х-М. Исоқов юксак мартабали меҳмонни ташрифи билан қутлар экан, сўнгги 2-3 йил ичида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги тизимли амалий ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди. Жумладан, Судьялар олий кенгаши раиси У. Мингбоев қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– “Собиқ иттифоқ даврида суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Сабаби, у даврда давлат



ва жамият бошқаруви фақат коммунистик партия қўлида эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин суд ҳокимияти том маънодаги мустақил тизимга айланди.

Биргина, кейинги икки-уч йил мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан суд тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги даври бошланди. Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг давлат ваколат-



ларига эга бўлган органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Одил судлов сифатини ошириш мақсадида судьялик лавозимини эгаллаш учун энг кичик ёш 30 ёшдан 35 ёшга ўзгартирилди. Судьялик лавозимиغا биринчи марта беш йиллик муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига тайинланиш ёки сайланиш амалиёти жорий этилди”.

Шундан сўнг, Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари, Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори Х.М. Исоқов меҳмонларга қуйидаги маълумотларни берди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги қарори билан Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган мазкур давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасасида иш юритиш ва танқидий тах-

лил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этилди.

Олий мактабда “судьяни судья ўқитади” принципи асосида олиб бориладиган дарс



жараёнларига касбий маҳорати юксак, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган судьялар жалб этилган.

Учрашувда Махсус маърузачи Судьялар олий кенгаши фаолияти бўйича ўзини қизиқтирган бир қанча саволлар берди.

Тадбир якунида Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачи Диего Гарсия-Саян қабул учун миннатдорлик билдириб, Судьялар олий мактабининг ташкил этилганини юксак баҳолади. Ушбу таълим муассасаси профессионал судьяларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Файзулла АЛИМОВ,

Юристар малакасини
ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар
номзоди, доцент

АНГЛОСАКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ МАМЛАКАТЛАРДА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБАСИ

Дунё давлатларининг бугунги коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ амалиёти шундан далолат бермоқдаки, кўпда давлатлар қонунчилигида тинимсиз равишда мансабдорлик жиноятларига қарши курашнинг оптимал чора-тадбирларини топишга уринишлар давом этмоқда. Мансабдорлик жиноятлари ичида бевосита коррупцион жиноятлар ҳисобланган, биз учун катта қизиқиш уйғотадиган мансабдорлик жиноятларидан порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги каби турлари учун кўпгина мамлакатлар қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган.

Агарда англосаксон ҳуқуқ тизимида давлатларнинг коррупцияга оид қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, унда Америка Қўшма Штатлари қонунчилигида мансабдор шахслар жиноятлари билан боғлиқ қонунларга ҳам федерал даражада, ҳам айрим штатлар даражасида жиддий ўзгаришлар киритилганлигига гувоҳ бўламиз. Шу билан бир вақтда инглиз қонунчилигининг одатий қоидалари, айниқса мансабдор шахсларнинг мақомини белгиловчи процессуал қонунчилиги нормалари албатта ўзбек ҳуқуқшуносларида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

1962 йилда АҚШда Америка ҳуқуқий институти томонидан Намунавий Жиноят кодекси ишлаб чиқилиб, у наъмуна сифатида барча штатлар жиноят қонунчилигида ислохотларни амалга ошириш учун тавсия қилинди. Мазкур ҳолат кўпгина штатлар қонунчилик фаолиятини фаоллаштиришга хизмат қилган ва улар томонидан янги Жиноят кодекслари қабул қилинишига сабаб бўлсада, турли штатлар қонун чиқарувчи органлари намунавий Жиноят кодекси тавсияларига кўр-кўрона амал қилишмасдан, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятини намойиш этиб, бу масалага турлича ёндашишган. Натижада штатлар Жиноят кодексларида бир қатор ҳуқуқий институтлар бир биридан жиддий фарқ қилади.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) Қонунлари тўпламининг 18 бўлимида коррупция билан боғлиқ мансабдорлик жиноятлари учун асосан, қуйидаги тўртта бобда: 1. 11 боб “Оммавий мансабдор шахс томонидан порахўрлик, ноқонуний фойда ва хизмат ваколатини суистеъмол қилиш”; 2. 29 боб, “Сайловлар ва сиёсий фаолият”; 3. 41 боб, “Товламачилик ва кўрқитиш”; 4. 93 боб, “Мансабдор шахслар ва ёлланган хизматчилар” жавобгарлик белгиланган. 11-бобда кўрсатилган пора олиш жиноятлари субъектлари сифатида қуйидаги уч тоифадаги мансабдор шахслар тушунилади:





1. Оммавий мансабдор шахслар, улар қаторига АҚШ Конгресси аъзолари, доимий комиссиялар аъзолари, хизматчилари, ёлланган ходимлар ёки АҚШ номидан ҳаракат қилиш ваколоти ёки вазифаси юклатилган, ижроия ҳокимияти департаменти, ваколатхона ходимлари ҳамда присяжнийлар;

2. Оммавий мансабдор шахс мажбуриятини бажариш учун танлаб олинган номзодлар ёки тайинланганлар, агар улар ўзларини шу танловда қатнашганликлари ёки тайинланганликлари тўғрисида расман огоҳлантирилган бўлсалар;

3. Махсус ҳукумат хизматчилари, федерал қонунчилик ва ижроия ҳокимияти хизматчилари ва оммавий вакиллари, АҚШ мустақил органларида ҳақ эвазига ёки ҳақсиз йилига 130 кундан кам бўлмаган муддатда ишлаётганлар.

Федерал даражадаги мансабдорлик жиноятларига банк хизматчиларининг федерал банк тизимига ноқонуний ҳаракатлари билан етказиши мумкин бўлган зарарлар ҳам қиради. Федерал захира тизими, Федерал суғурта компанияси, Миллий қишлоқ хўжалик кредит корпорацияси тизимига кирувчи мансабдор шахслар, директорлар ёки ёлланган ходимлари кредит берувчи банк ходимига “чой пули” берса 5000 АҚШ доллар миқдорида жарима ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади. Худди шундай жазо “чой пули” олган банк ходимига нисбатан ҳам қўлланилади (§212, 213).

Ҳар қандай банк ходими маблағи Федерал суғурта компаниясида суғурта қилинган шахсга, Федерал банкда ёки Миллий қишлоқ хўжалик кредит корпорациясида кредит берувчи хизматчи, “чой пули” ёки совға

эвазига фирмага ёки корпорацияга кредит олишга кўмаклашса ҳам юқоридаги тартибда жавобгарликка тортилиши назарда тутилган (§215)¹.

Шундай қилиб, порахўрлик мақсади мансабдор шахснинг ҳам қонуний ҳаракатлари, шунингдек, ҳам ноқонуний ҳаракатлари ҳисобланди. Конгресснинг барча палаталарида, департаментида, ёки кўмиталарида эшитилаётган иш юзасидан ҳар қандай шахсни ёлғон қасамёд қабул қилишга қаратилган ҳар қандай бевосита ёки билвосита ҳаракатлари ҳам пора бериш ҳисобланади.

Пора олувчи сифатида юқоридаги тоифага кирувчи мансабдор шахслар тан олинади. Шундай қилиб, оммавий мансабдор шахс ҳисобланган шахс, қонун бўйича юклатилган мажбуриятларига зид равишда бевосита ёки билвосита сўраш, талаб қилиш, таъмагирлик, ялиниш орқали, ўзи учун қанақадир қимматли буюмни пора эвазига олишга эришади, келишади, олади, шартнома тузади ва шу орқали ҳозирда ёки келажакда пора берувчи манфаати учун бирор бир ҳаракатни содир этиш ёки ҳаракатсизлик қилиб порахўрлик жиноятини содир этади. Пора олувчи шахс учун ҳам пора берувчи шахс учун ҳам 10 000 долларгача жарима ёки 2 йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади. Қуйида АҚШнинг фақат иккита штати ЖКнинг мансабдорлик жиноятларини айримларини таҳлил қиламиз.

Нью-Йорк штат ЖКда порахўрлик жинояти таркибининг қилмишининг оғирлик даражасига қараб учта таснифи берилган. Бу ерда федерал ва бошқа штатлар жиноят қонунчилигидан фарқли равишда пора олиш ва пора бериш жиноятлари алоҳида махсус таркибли жиноятлар ҳисобланади. Юқоридаги порахўрлик жиноятининг учта

таснифидан келиб чиқиб Нью-Йорк штати ЖК пора олиш ва пора бериш жиноятларини ҳам учта махсус таркибга ажратади (§200.20-200.15).

Қонунда кўрсатилмаган ҳар хил “чой пули” ва совға олиш алоҳида жиноят таркибига ажратилмасдан порахўрлик жинояти таркибига қўшилган (§200.20, 200.22, 200.25, 200.27, 200.30, 200.35). Алоҳида жиноят таркиби сифатида эса оммавий мансабга ўтириш мақсадида пора бериш келтириб ўтилган бўлиб, унинг субъекти “оммавий хизматчилар” ҳисобланади.

Калифорния штати ЖКда мансабдор шахслар жиноятчилигини бошқача кўринишдаги тизими мавжуд ва улар қуйидаги иккита гуруҳга бўлинган:

1. *Штатнинг ижроия ҳокимият вакиллари томонидан ижроия ҳокимият манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар;*

2. *Қонун чиқарувчи ҳокимият манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар.*

Биринчи гуруҳга кирувчи жиноятларга порахўрлик, ноқонуний йўл билан фойда, совға ёки мукофот олиш, ижроия ҳокимият мансабдор шахслари, хизматчилари томонидан талаб қилиш ёки олишни тақиқлаш, мукофот таклиф қилиш ёки олиш, шунингдек, мансабга тайинлаш эвазига мукофот олиш каби жиноятлар киради.

Иккинчи гуруҳга фақат қонун чиқарувчи ҳокимият соҳасидаги пора олиш ва пора бериш жиноятлари киради.

Пенсильвания штати ЖКда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги “Оммавий бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бўлимида жойлаштирилган (ЖКнинг 45-53 бўлимлари). Мазкур бўлимларда порахўрлик, одил судловга қарши жиноятлар, ҳукумат ҳаракатига тўсқинлик қилиш, жазони ўташ

жойларидан қочиш ва хизмат ваколатини суистеъмол қилиш каби жиноятларни қамраб олган.

Англияда ҳуқуқ тизими умуман кодификация қилинмаган, шу сабабли бу давлатда ҳуқуқ тизими манбаси сифатида ёки парламент томонидан қабул қилинган актлар (статут ҳуқуқи) ёки прецедент ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ) эътироф этилади.

Англияда қабул қилинган жиноий-ҳуқуқий таълимотга (доктрина) кўра мансабдорлик жиноятлари битта гуруҳга бирлаштирилиб, “мансабдор шахслар ва улар фаолияти билан боғлиқ жиноятлар” деб номланади. Хусусан, шундай тасниф “Хэлсбери”² - деб номланган “Англия қонунлар тўплами”да қабул қилинган. Ушбу тўпламда жиноят ҳуқуқига иккита 11 (1) ва 11 (2) томлар ажратилган. 11(1) томнинг 7-бобида мансабдорлик жиноятлари киритилган бўлиб, улар қуйидаги тўртта таркибни қамраб олади: 1. порахўрлик; 2. мансабни сотиш ва мансабдор шахсни таъқиб қилиш (обструкция); 3. оммавий мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажармаслик; 4. алоҳида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар.

Англия ҳуқуқ тизими порахўрлик қилмишга алоҳида эътиборини қаратиб, асосий қонунларида ҳам ва умумий ҳуқуқда (прецедент) бу жиноят учун жавобгарликни кенг маънода талқин қилган. Умумий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, порахўрлик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг ўзи қуйидаги учта қонунлардан иборат: 1889 йилги Порахўрлик ва оммавий ташкилотлар тўғрисидаги; 1906 ва 1916 йиллардаги Коррупцияни олдини олиш тўғрисидаги ва 1983 йилги парламент ва маҳаллий органларга сайловлар жараёнида овозларни сотиб олишга қарши қаратилган халқ ваколатчилиги тўғрисидаги қонунлар. Умуман, келтириб ўтилган қонун-





ларга ўхшаш қонунлар тез-тез янгиланиб турилиши Англия ҳуқуқ тизимига хос кўриниш ҳисобланади. Масалан, мансаб сохтакорлиги тўғрисидаги тушунча дастлаб инглиз умумий ҳуқуқида шаклланган, жумладан, 1809 ва 1914 йиллардаги прецедентларда. Келтириб ўтилган манбаларга кўра, порахўрлик жиноятининг мазмуни кимдир ишни ўз фойдасига ҳал этиши учун мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифасига зид ҳаракатларни содир этишга мойиллик уйғотиш мақсадида пора беришида, ёки мурувват кўрсатишда ёки хизмат вазифасини бажариш жараёнида мурувват кўрсатишдан ўзини тийиб туришда ифодаланади ва мансабдор шахс шу мақсадда пора олади. Порахўрлик жинояти умумий ҳуқуқ талабларига кўра присяжний судлари томонидан кўриб чиқиши белгилаб қўйилган. Ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари қўлланилиши судлар ҳукмига ҳавола этилган. Бу ҳақда юқорида таъкидланганидек, 2 йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

1916 йилда қабул қилинган Англияни яна бир қонуни давлат контрактлари бўйича ҳам пора олганлик учун жавобгарликни белгилайди. Бундай ҳолатда гап давлат ҳокимияти, унинг департаментлари ёки оммавий ташкилот вакиллари билан тузиладиган шартномалар муносабати билан ёки шартнома тузиш ҳақидаги таклифлар учун пора бериш тўғрисида кетмоқда. Бундай ҳолатда пора учун икки тарафнинг ҳам жавобгарликка тортилиши белгиланган. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлардан фарқли ўларок бу жиноят учун жавобгарлик оғирроқ, яъни 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, мазкур тоифадаги порахўрлик жи-

ноятига эътибор жиддийлигининг сабаби, унда гап давлат хариди ижросини таъминлаш тўғрисида кетаётганлигидир. Мана шу тоифадаги жиноятларнинг муҳимлиги талабидан келиб чиқиб, уни кўриб чиқиш присяжний судларига юклатилган. Бу тоифадаги ишларни кўришда пора бериш ва олиш ҳолати мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлигини исботлаш юки айбланувчи зиммасига юклатилган (Қонуннинг 2-м.).

Ниҳоят, инглиз умумий ҳуқуқи алоҳида жиноят таркиби сифатида судьяга ёки суд ходимига пора бериш жинояти учун жавобгарлик белгилаб қўйган. Пора берувчи шахс, судьяга, суд ходимига, магистрантга уларнинг хизмат ваколатига кирувчи ҳаракатни унинг манфаати йўлида содир этиши учун пора сифатида қандайдир совға ёки пул таклиф қилади, судья, магистрант ёки суд ходими эса, шу совғани ёки пулни олиб, жиноят содир этганлиги учун суд хоҳишига кўра белгиланган муддатга (2 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси билан жазоланади.

Англия жиноят қонунчилигида юқорида келтириб ўтилганлардан ташқари, яна оммавий мансабларни сотганлик учун, Оммавий мансабдор шахс томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун, мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатига қирадиган ахборотларни ноқонуний тарқатганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят таркиблари ҳам мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. М.: Наука, 1990. С. 159.
2. Қаранг: Halsbury's Laws of England. V.11(1).§ 281- 296. L., 1990.



Феруза ЭШМАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати,
юримдик фанлар номзоди

ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ ТАШКИЛОТЛАРИ КЛАССИК ТАШҚИ СИЁСАТДА МУҲИМ ОМИЛ

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида парламентлараро ташкилотлар асосан XX асрнинг ўрталарида бир вақтда Европа ва Америка қитъаларида пайдо бўлган. Ушбу ташкилотларнинг мақсади - давлатларга жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлишда ёрдам беришдир. Бошида, халқаро ташкилотлар парламентлараро тузилмалари бўлмаган, чунки улар фақат ҳукуматлараро тусга эга эди. Улар ҳар қандай халқаро парламент назоратидан ҳоли орган сифатида ҳаракат қилган эди. Уларда ҳукуматлар ўз давлатлари ва халқлари номидан ҳаракат қилишган, вакиллик парламент институтлари фақатгина миллий миқёсда ҳаракат қилиб, халқаро ташкилотларнинг қарор қабул қилиш жараёнига деярли таъсир кўрсатмаган. Бироқ, парламентаризм институтининг кенгайиши ва ривожланиши билан парламентларнинг халқаро муносабатлардаги ўрни тобора кўпроқ аҳамият касб этди ва улар кенгроқ ваколатларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 5 та йўналиши бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам Олий Мажлисни ижтимоий — сиёсий ҳаётимизда ролини ошириш, ташқи сиёсатда фаолиятини кучайтириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек Президентимизнинг 2017 ва 2018 йилги Парламентга бўлган Мурожаатномаларида ҳам ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда парламент ролини ошириш ва мамлакатимизнинг халқаро имижини

мустаҳкамлаш, парламент дипломатияси ролини кучайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини устувор вазифалар сифатида белгилаб берилганлиги ҳам мазкур мавзу биз учун долзарб эканлигини билдиради.

Халқаро парламент ташкилотларининг пайдо бўлиши жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувининг натижасидир. Замонавий халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг асосий хусусиятларидан бири парламентлараро ташкилотларнинг ўрни тобора ўсиб боришидир. Бугунги кунда халқаро алоқаларнинг ривожланиши, жумладан, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятини кенгайтиришга қаратилган, қонун чиқарувчиларни ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этилиши доимий равишда ортиб бормоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик бугунги кунда кўплаб ҳуқуқий ва давлат муаммоларини ҳал эта олади. Ушбу ташкилотлар халқаро ишларда иштирок этиш даражаси тобора кенгайиб бормоқда, бу эса биз томондан мазкур масалаларни ўрганишнинг аҳамиятини оширади.

Таъкидлаш керакки, Олий Мажлис бир неча йиллик танаффусдан сўнг 2017 йил октябрда, 2018 йил 4 майда ЕХХТ Парла-





мент Ассамблеяси ва 29 ноябрда эса МДХ Парламентлараро Ассамблеясига аъзолиги тикланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида парламентлараро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этмоқда ва мамлакатимизда тарихан қисқа даврда эришилган ижобий натижалар ҳамда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жаҳон ҳамжамиятига етказилмоқда.

Мазкур мавзунинг биз учун долзарблиги қуйидаги концептуал масалаларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро ҳуқуқ доктринаси парламентлараро муносабатларни тартибга солувчи бир қатор қоидаларнинг мавжудлигини мутлақо тан олади. Шу билан бирга, ушбу нормалар мажмуини халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳасига ёки унинг институтига бовлаш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда;

иккинчидан, бугунги кунда миллий парламентлар давлатлараро муносабатларни амалга оширишда классик ташқи сиёсат идоралари билан параллел равишда муҳим рол ўйнайди;

учинчидан, замонавий халқаро муносабатлар, давлат бошлиғи тимсолида намоён бўлган ягона ҳукмронлик устувор бўлган классик муносабатга нисбатан кўпроқ коллегиялик касб этади. Замонавий халқаро муносабатларда коллегиялик, шубҳасиз, давлатлараро муносабатларни амалга оширишда миллий парламентларнинг иштироки билан таъминланади;

тўртинчидан, халқаро парламент ташкилотларининг мавжудлиги дав-

латлараро муносабатлар табиатига инсонпарварлик касб этади, бундай алоқаларни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини уларнинг вакиллари орқали кенгайтиради.

Халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектчилиги функционал-объектив хусусиятга эга, бу эса, халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектчилиги унинг таъсис ҳужжатида мустаҳкамланган ташкилот мақсад ва вазифалари, функциялари билан чекланиб, бунда ўз устав функциялари, мақсадлари ва вазифаларини тўлиқ мустақил ва мухтор равишда амалга ошириши мумкин.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилик ҳажми мақсадли ва функционал тус касб этади. Халқаро парламент ташкилотлари ўз вазифаларини бажариш учун зарур ҳуқуқий воситалар билан таъминланган бўлиб, бу муайян тарзда таъсис ҳужжатларида қайд этилади.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилиги қуйидаги жиҳатлар орқали очиб берилади:

– халқаро парламент ташкилотлари ўз ваколати доирасида шартнома ва битимлар тузишга ҳақли. Шартномавий ҳуқуқ лаёқати халқаро парламент ташкилотларининг таъсис ҳужжатларини икки асосий усулда қайд қилинади: ёки ушбу ташкилотнинг вазифаларига ўз хиссасини қўшадиган ҳар қандай шартномаларни тузиш ҳуқуқини берувчи умумий қоида орқали; ёки ташкилотнинг айрим тарафлар билан муайян битимлар тузиш имкониятини белгилайдиган махсус қоида орқали;

– халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида халқаро парламент ташкилот-

лари ҳуқуқбузарликлар ва ўзларининг фаолияти натижасида етказилган зиён учун жавобгар бўлиши ва жавобгарлик даъволари билан чиқиши мумкин. Халқаро парламент ташкилотлари халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари (шу жумладан, давлатлар билан) юзага келадиган низоларни, субъектлар ўртасида одатда кенг қўлланиладиган воситалар (музокаралар, воситачилик ва бошқа хизматлар, халқаро суд таомиллари ва ҳок.) ёрдамида ҳал этишида иштирок этади.

– халқаро парламент ташкилотлари дипломатик алоқаларда иштирок этиши имкониятига эга. Улар ҳузурида давлатларнинг ваколатлари аккредитациядан ўтади, улар давлатларда ўз ваколатхоналарига эга бўлади ва вакиллари билан алмашинувни амалга оширадилар (1975 йилги Универсал тусдаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакилиги тўғрисидаги Вена конвенцияси);

– халқаро парламент ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари иммунитет ва имтиёзларга эга (1946 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияси, 1947 йилги БМТнинг махсус муассасаларининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисида Конвенцияси, 1980 йилги Ҳамкорликнинг маълум соҳаларида фаолият юритадиган давлатлараро ташкилотлар ҳуқуқий мақоми, имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияси, халқаро парламент ташкилотларининг марказий муассасалари жойлашган давлатлар билан тузган келишувлари ва бошқалар);

– халқаро парламент ташкилотлари халқаро норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши ҳуқуқига эга. Ҳар қандай халқаро парламент ташкилотининг норма ижодкорлиги ваколатлари турлари, йўналишлари ва ҳажми унинг таъсис ҳужжатида ёки уни тўлдирувчи бошқа ҳужжатларда қайд этилади. Бундай ваколатларни қайд этишининг энг кенг тарқалган шакллари куйидагилардан иборат:

а) таъсис ҳужжатида норма ижодкорлиги фаолиятининг муайян турлари ва шакллари бевосита қайд этиши;

б) ташкилотнинг функциялари ва ваколатлари тўғрисидаги шу йўсинда қайд этилиши, унинг шарҳланиши ташкилотнинг норма ижодкорлиги ваколатига эгалиги тўғрисида ишонч билан гапиришига имкон беради;

в) аъзо давлатлар ўртасида, аъзо давлатлар ва ушбу халқаро парламент ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларда қонун ижодкорлиги турлари ва шакллари кўрсатиб бериши; бу таъсис ҳужжатида қўшимча (аниқлаштириши) сифатида тан олинishi мумкин;

г) универсал тусдаги кўп томонлама шартномаларда муайян тоифадаги халқаро ташкилотларнинг у ёки бу норма ижодкорлиги қобилиятини умумий жиҳатдан эътироф этиши.

Ҳар бир халқаро парламент ташкилоти фақат унинг таъсис ҳужжати билан рухсат этиладиган қонун ижодкорлиги шаклида иштирок этиши мумкин;

– халқаро парламент ташкилотлари шартнома асосида ходимларни ишга олиши ҳуқуқига эга (фақатгина ушбу халқаро парламент ташкилотига бўйсунадиган ва унинг номидан манфаатларини кўзлаб иш юритадиган халқаро мансабдор шахслар);

– ҳар бир халқаро парламент ташкилоти аъзо давлатларнинг бадалларидан иборат бўлган ва ташкилотнинг умумий манфаатлари учун сарфланадиган молиявий ресурсларга эга. Аъзо давлатларнинг аъзолик бадаллари ташкилотнинг умумий бюджетининг 0,001 фоиздан кам бўлмаслиги ва 25 фоиздан ошмаслиги керак;

– халқаро парламент ташкилотлари давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга ҳолда ҳаракат қилади. Бу шуни англатадики, барча халқаро



парламент ташкилотлари хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, халқаро парламент ташкилотининг ўз хоҳиш-иродаси мавжуд, бу унинг ҳуқуқий субъектчилиги асосидир.

Ташкилотга хос бўлган иродавий жиҳат ўзига хосдир. Агар биз ушбу хусусиятни умумий маънода белгиласак, у куйидаги формулада ифодаланиши мумкин: ташкилотнинг иродаси нисбий мустақил тусга эга, биз буни юқорида кўрсатиб ўтганмиз.

Халқаро парламент ташкилотининг иродаси аъзо давлатларнинг хоҳиш-иродаси мажмуи эмас, шу каби улар иродасини бирлаштирмайди. Бу ирода, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари иродасидан ажралиб туради. Халқаро парламент ташкилоти, унинг қайд этилган хоҳиш-иродаси сифатига қараб мустақил мавжудлик касб этади, халқаро ҳуқуқий мулоқот иштирокчиси, автоном халқаро шахсга айланади. Ўз иродасига эга бўлмасдан халқаро ташкилот нормал фаолият юрита олмасди ва унга берилган вазифаларни бажариши имконсиз бўларди.

Шундай қилиб, халқаро парламент ташкилотларининг халқаро-ҳуқуқий субъектчилиги иккиламчи, шартномавий ва функционал хусусиятга эга, деб ҳисоблаймиз, боиси:

биринчидан, халқаро парламент ташкилоти таъсисчи давлатлар хоҳиш-иродаси билан тузилади;

иккинчидан, халқаро парламент ташкилоти ўзининг фаолияти ва функцияларини таъсис ҳужжати (шартнома, устав, хартия, статут ва бошқалар) қоидалари асосида амалга оширади;

ва учинчидан, халқаро парламент ташкилоти ўз фаолиятини фақат унинг таъсис ҳужжати билан белгиланган соҳада амалга оширади ва унинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилган вазифалар ва функцияларни бажаради. У ёки бу халқаро парламент ташкилотга ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бериш унинг мақсадларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳажми ташкилотнинг функционал эҳтиёжларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Халқаро ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти белгиланган доиралар билан чегараланган ва таъсис ҳужжатида ва унга қўшимча ҳужжатларда қайд этилган. Турли халқаро ташкилотлар, жумладан, пар-



ламент ташкилотлардаги ушбу қобилият ҳажми, турли хил бўлиши мумкин.

Халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектчилиги функционал-объектив хусусиятга эга, бу эса, халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектчилиги унинг таъсис ҳужжатида мустақамланган ташкилот мақсад ва вазифалари, функциялари билан чекланиб, бунда ўз устав функциялари, мақсадлари ва вазифаларини тўлиқ мустақил ва мухтор равишда амалга ошириши мумкин.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилиги ҳар доим шартномавий келиб чиқишга эга. Унинг манбаи – бу таъсис ҳужжатлари, яъни давлатлар томонидан тузилган халқаро шартномалари ҳисобланади. Натижада, халқаро парламент ташкилотининг ҳуқуқий субъектчилиги «бирламчи» (суверен) субъектларнинг ҳуқуқий субъектчилигидан келиб чиқиб, иккиламчи тусга эга. Шу маънода халқаро парламент ташкилотлари иккиламчи халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади.

Халқаро парламент ташкилотларининг ҳуқуқий субъектчилиги ўз табиатига кўра ҳуқуқий субъектчилиги универсал бўлган давлатлардан фарқли ўлароқ, функционал хусусиятга эга. У ёки бу халқаро парламент ташкилотига ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилиши унинг мақсадларига боғлиқ ва уларнинг ҳажми ташкилотнинг функционал эҳтиёжидан ошмаслиги керак. Халқаро ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти белгиланган доиралар билан чегараланиб, таъсис ҳужжатида ва уни тўлдирадиган ҳужжатларда қайд этилади.



Дилшод АРИПОВ,
Судьялар олий мактаби
директори ўринбосари,
юридик фанлар номзоди

СУДЬЯЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ЎЗГАРДИ



Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
аъзоси

2019 йилнинг 10 сентябрида “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунларига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида судья бўлишнинг минимал ёши 35 ёш этиб белгиланди. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шартлиги белгиланди, судларда қатнашадиган халқ маслаҳатчисининг минимал ёши ҳам 35 ёш этиб белгиланди. Агар аввалги қонун талабига кўра ўттиз ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья лавозимига тайинланиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин.

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатдики, судлар томонидан одил судловни амалга оширишда йўл қўйилаётган аксарият камчиликлар ва хатоларга айнан илк бор судьялик лавозимига тайинланган ва ўттиз беш ёшга тўлмаган судьялар ҳисобига тўғри келади. Бу эса аввал белгиланган ёш цензининг “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунида биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонларига муносиб келмаслигини кўрсатди. Жумладан, адолатли ва қонуний қарор қабул қилиш учун улар-

да етарли ҳаётий тажриба ва лаёқатлилик етишмаслиги аниқланди.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида ҳам ривожланган давлатларда судьялар ёшига нисбатан талаблар анча юқори белгиланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, АҚШ ва Францияда судьялар учун аниқ ёш цензи белгиланмаган бўлсада, бироқ мутахассислик бўйича зарур меҳнат стажининг юқорилиги ва бошқа талаблардан келиб чиқиб, ушбу лавозимга АҚШда 40-45 ёшдан, Францияда 40 ёшдан сўнггина амалда тайинланиш мумкин. Буюк Британияда эса мустақил адвокат лавозимида 10 йилдан 20 йилгача ишлаган шахсларгина судья мақомига эга бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ёш цензи ўртача 35-45 ёшни ташкил этади.

Судьялар учун ёш цензининг оширилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”-ги Қонуннинг 20-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига кириш ёши ҳам оширилди. Унга бинан захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Ушбу ёшнинг белгиланишида, шу жумладан, номзодларнинг шахсий фазилатлари-

ни ва касбий фаолиятини ўрганиш ҳамда Судьялар олий мактабида ўқиш муддатлари эътиборга олинган.

Шунингдек, Қонуннинг мазкур моддасида захирага киритилиш истагини билдирган фуқароларнинг Кенгашга тақдим қилган аризаси икки ой ичида кўриб чиқилиши бўйича махсус муддат белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш зарурлиги, бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини ташкил этиш таклиф қилинган эди.


Шунга кўра, жорий йилнинг 6 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда судьялик лавозимига номзодларнинг Судьялар олий мактабида мажбурий таълим олиши белгиланди.

Натижада, “Судлар тўғрисида”ги Қонун 61-моддасининг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилди:

“Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шарт. Ўқиш даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади, бироқ ўқишнинг бутун даврида иш жойи (лавозими) сақланади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлиги, бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган эди.

Шунга кўра, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил ва холи фаолият юритишини, судьяларнинг ҳеч



кимга қарам бўлмасдан фақат қонунга бўйсунган ҳолда одил судловни амалга оширишларини таъминлаш, шунингдек Судьялар олий кенгаши томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш бўйича масъулиятини ошириш мақсадида куйи судлар судьяларини лавозимга тайинлашда ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш тартиби бекор қилинди.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги ҳамда 72-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган”, деган сўзлар чиқариб ташланди.

Таъкидлаш лозимки, Португалия, Болгария, Грузия каби ривожланган давлатлар қонунчилигига кўра туман, шаҳар ва унга тенглаштирилган судларнинг судьяларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ваколати судьялар ҳамжамиятининг юқори органига берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, туманлараро, туман (шаҳар) судининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланиши ҳамда ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланиши ҳамда лавозимдан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди судьяларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раиси ва судьяларининг ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга қўйидагича ўзгартишлар ҳам киритилиб, Кенгаш ваколатлари янада кенгайтирилди. Бунда айнан, Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиб, у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини бошқариш ваколатига ҳам эга. Шунингдек, судьялар ва Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинландиган номзодлар захирасига киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризаси икки ой ичида кўриб чиқилиши, захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажриба ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 66-1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, бошқа судларнинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши судьянинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда Кенгашнинг мавзур ишларни амалга ошириш ваколати назарда тутилмаган эди.

Шунга кўра, Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ла-

возимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритиш, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш ваколати ҳам мазкур Қонуннинг 7-моддасида ўз аксини топди.

Судьялар олий кенгаши аъзоларининг дахлсизлигини ва улар фаолияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоларига нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш ҳамда уларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ваколати ҳам Олий малака ҳайъати ваколатидан чиқарилиб, Судьялар олий кенгашига берилди.

Мазкур Қонунлардан келиб чиққан ҳолда Судьялар олий кенгашида судьяларни танлаб олиш учун қўйидаги тартибда фаолият юритиш йўлга қўйилди:

1) Судьялик захирасига киритиш босқичи:

Захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинландиган номзодлар захирасига киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Судьялар олий кенгашига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур ариза икки ой муддат оралигида кўриб чиқилади. Захирага киритиш судьялик лавозимига номзоднинг қонунда назарда тутилган мезонларга муносиблигини ўрганиш ва Кенгаш томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган имтиҳондан муваффақиятли ўтиш натижаларига кўра, Кенгашнинг қарори билан амалга оширилади.

2) Захирага олинган номзодни ўқиш босқичи:

Судьялик лавозимига биринчи марта тайинландиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши





ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқитилади. Ўқиш даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади, ўқиш даврида эса иш жойи (лавозими) сақланади.

3) Номзодларга қўйиладиган талаблар:

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин.

4) Лавозимга танлашнинг асосий мезонлари ва тайинлаш тартиби:

Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга оширилади. Захирага киритилган судьялик лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдирish учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза беради ва танловда иштирок

этади. Бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эгаллик, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари ҳисобланади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзод Кенгаш томонидан белгиланган тартибда турли ўрганиш усулларидан, жумладан суҳбат, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказиш, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш, экспресс сўровлардан фойдаланилиб, судьялик лавозимига тавсия этилади. Қонунга кўра ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий қонунчилигимизга киритилган ушбу ўзгаришлар мамлакатимизда адолатли суд тизимини ва малакали судьялар корпусини ташкил этиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қиладди.



Муҳиддин Жўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири
ўринбосари, полковник

БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида қайд этилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу эса ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечирishини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар Ички ишлар органлари олдида турган вазифаларни самарали бажаришга тўсиқ бўлмоқда.

Мазкур фармонга кўра бундай муаммолар куйидагилардан иборат:

биринчидан, республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишининг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, қуйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг

энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган вайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаяпти;

еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти;

саққизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда.

Юқоридаги кўрсатилган жиддий камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтган давр мобайнида ички ишлар органларида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди ва унинг натижасида:

– раҳбарлар масъулияти оширилди, жиноятчиликка қарши курашда куч ва воситалардан самарали фойдаланиш тизими шакллантирилди;

– ички ишлар органларининг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилди, соҳавий хизматлар фаолиятида бири иккинчисининг ишини такрорлаш ҳолатлари бартараф этилди, улар фаолияти тубдан яхшиланди, янги тузилмалар ташкил қилинди;

– хизматларнинг ҳозирги шароитдаги вазифаларини аниқ белгилаб бериш ва тезкор хизматлар фаолияти устидан бошқарувнинг қуйидан то юқоригача ягона тизими яратилди;

– маъмурий ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминловчи ички ишлар органларининг энг қуйи бунини бўлган таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилди;

– аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақ янги тартиби ва тизими жорий этилди;

– ички ишлар органлари асосий вазифаларини бажаришга қодир етук малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш тизими яратилди;

– давлат бошқаруви соҳасида ички ишлар органларининг роли ва мавқеи кўтарилди, аҳоли ва кенг жамоатчилик билан ижтимоий шерикликнинг миллий қадриятларга асосланган ташкилий-ҳуқуқий ва амалий механизмлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўй-



ича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қуйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари ролини ошириш, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи — «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш имконини берди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этишда қатор тизимли камчиликлар мавжуд бўлиб, улар, куч ва воситалар бошқарувининг етарли даражада мувофиқлашмаганлиги, шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар ва уларнинг касб маҳорати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мақсадли назорат-таҳлилини таъминлаш ҳолатининг паст даражадалиги намоён бўлмоқда.

Мазкур қарорда қуйидагилар ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

биринчидан, вужудга келаётган реал тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган тарзда тақсимлаш ва бошқаришнинг самарали механизминини жорий этиш;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида таҳлилий ишларни аниқланаётган амалий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва криминоген вазиятни прогнозлашга йўналтириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш;

учинчидан, лавозимларни юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга номзодлар билан жамлашни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларига хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш;

тўртинчидан, шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни олиб боришнинг самарали тизимини жорий этиш, шу жумладан илмий-психологик услубларни мақсадли қўллаш орқали уларнинг хизмат ва оилавий-маиший муаммоларини ўрганиш;

бешинчидан, қонунийликни сўзсиз таъминлаш, хизмат интизомига қатъий риоя қилиш ва ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлашга қаратилган вазифаларни бажариш юзасидан таъсирчан идоровий назоратни ташкил қилиш;

олтинчидан, иш юритиш механизми ва ҳужжатлар айланиши тартибини такомиллаштириш, ички ишлар органлари тизимининг барча бўғинларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятига оид муаммоларни олдиндан ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг сайёр ва тезкор мажлисларини ўтказиш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли қарорлар қабул қилиш, шунингдек ҳудудий ички ишлар органларини ҳар уч йилда камида бир маротаба текшириш ҳамда у ўтказилганидан сўнг бир йил ичида улар фаолиятини назорат тартибида ўрганиш амалиётини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Айни вақтда мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятини бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун аввало, ички ишлар органларида бошқарувнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар, яъни жуғрофий, идоровий, психологик, маънавий, ташкилий нуқтаи-назардан келиб чиқадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш самарали ҳисобланади.

Маълумки, Ички ишлар органларини бошқарув фаолиятида ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бу борада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

– ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, очилмаган жиноятлар ҳолатининг комплекс таҳлилини ва фаолиятни режалаштиришни ташкил этиш;

– профилактика ва қидирув ишларини олиб бориш;

– ҳисоботларни шакллантиришни автоматлаштириш;

– вазирлик ва идораларнинг ахборот ресурслари билан алмашишнинг идоралараро тизимини яратиш;

– ички ишлар идораларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ротация қилиш.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари учта тизимга бўлинади:

– марказий ички ишлар органлари

– ҳудудий ички ишлар органлари

– қуйи ички ишлар органлари.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий ички ишлар органи бўлиб, ички ишлар соҳасида марказлашган бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб боровчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раҳбарлик қиладиган ва ягона тизимни ташкил этадиган давлат бошқарув органидир.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари ҳудудий ички ишлар органлари ҳисобланади ва республиканинг маъмурий ҳудудлари (республика, вилоят ва вилоятга тенглаштирилган шаҳар)да ички ишлар тизимида ҳудудий бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб боровчи давлат аппаратларидир.

Шаҳар ва туман ички ишлар бошқарма (бўлим)лари ва ички ишлар органларининг шаҳарча (кўрғон) бўлимлари қуйи ички ишлар органлари ҳисобланиб, республика қуйи тизимининг ички ишлар соҳасида маҳаллий бошқарувни ташкиллаштирувчи ва олиб боровчи давлат аппаратлари ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарувни самарали ташкил этиш учун марказий ички ишлар органи сифатида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

– ҳақиқий таркиб топаётган тезкор ва криминоген вазиятти нобатга олган ҳолда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирилган тарзда жой-жойига қўйиш ҳамда бошқаришнинг самарали механизминини жорий этиш;



– жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида тизимли таҳлилий ишларни амалга ошириш механизмларини ўрнатиш;

– жиноятларни тез ва тўлиқ аниқлаш, очиш, қидирув ишларини амалга оширишни таъминлашнинг самарали тизимини яратиш;

– таҳлилий ишларни ички ишлар органларида аниқланаётган амалий муаммолар ва криминоген вазиятни прогнозлаштиришни тизимли таҳлил қилишга йўналтириш;

– мамлакатда ўтказилаётган ислохотларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган вазифалар ижросининг таъсирчан идоравий назоратини амалга ошириш;

– ички ишлар органларида иш юритиш механизмининг ва ҳужжат айланиш тартибини такомиллаштириш;

– ички ишлар органлари тизимининг барча даражаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида, бир хил ва тўлиқ ижросини таъминлаш;

– Ички ишлар органлари бўлинмалари фаолиятини баҳолашнинг, шу жумладан жамоатчилик фикри ва иш натижаларидан фуқароларнинг қониқиши, шунингдек аҳоли билан ҳамкорлик қилиш, фаолиятнинг очиқлиги ва ундан эркин фойдаланилишини инobatга олишни назарда тутувчи янги мезонларини жорий этиш;

– Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратини таҳлилий ва бошқариш қобилиятлари устун бўлган малакали мутахассислар билан тўлдиритиш;

– Ички ишлар органларида мурожаатлар, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

– Тизимга замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

– вазирлик ва идораларнинг ахборот ресурслари билан алмашишнинг идораларaro тизимини яратиш.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари ҳудудий ички ишлар органлари сифатида таъсирчан идоравий назоратни ташкиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш;

– барча даражалардаги бўлинмаларнинг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, профилактика инспекторларига хос бўлмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўймаслик;



– ички ишлар органлари тузилмасида суриштирув, уларнинг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари)ни ташкил этиш;

– фуқароларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

– ҳисоботларни шакллантиришни автоматлаштириш;

– ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, очилмаган жиноятлар ҳолатининг комплекс таҳлилининг ва фаолиятни режалаштиришни ташкил этиш;

– кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ротация қилиш.

Шаҳар ва туман ички ишлар бошқарма (бўлим)лари ва ички ишлар органларининг шаҳарча (қўрғон) бўлимлари қуйи ички ишлар органлари сифатида қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

– ишни аҳоли ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш;

– таянч пунктлари жойлашувини ҳудуддаги криминоген вазият, аҳоли сони ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

– суриштирув ва дастлабки терговни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этган ҳолда жиноятларни ўз вақтида, ҳар томонлама тергов қилиниши ва тўлиқ очилишини таъминлаш;

– яшириниб юрган шахслар ва ўвирланган моддий бойликларни қидириш;

– ҳудудда профилактика ва қидирув ишларини олиб бориш;

– вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашнинг таъсирчан тизимини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарслик / И. Исмаилов, Д.С.Мухамадалиев, Э.У. Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – 89 б.



КИТОБ – ИНСОН ЎЗЛИГИНИ АНГЛАТАДИ

Ўзини англаган инсон борки, албатта шахсий китоб жавонига эга бўлади. Зеро, инсоният тараққиётидаги энг муҳим кашфиётлардан бири ҳам китоб ҳисобланади. Жавонга меҳр билан терилган китобларга назар ташлаган кишининг қалбига беихтиёр самимийлик югуриши табиий.

Эътибор қаратган бўлсангиз, “Odillik mezonі” журнали саҳифаларида “Судья китоб жавони” рукни остида ўқимишли, китобхон судьяларимизнинг турли фикр-мулоҳазалари эълон қилиниб келинмоқда.

Бу галги рукн меҳмони жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди судьяси Нуриддин Тухлиевдир. Келинг у кишининг мулоҳазалари билан яқиндан танишинг.

Инсоннинг ўсмирлик даври қизиқишлар ва ҳар нарсанинг туб моҳиятини англаб етишга қаратилиб, кейинчалик маълум ёшга етганингда ҳам ўсмирлик ва ёшликнинг беғубор, ажойиб ҳамда эсда қоларлик хотиротларини беихтиёр кумсаб, эсга олгинг келаверар экан.

Тақдир тақозоси билан оиламиз Самарқанд вилоятидан Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига кўчиб келганида 12 ёки 13 ёшдаги мактаб ўқувчиси бўлганман. Отам (Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин) билан боғлиқ воқеалар, қилинган суҳбатларни эслаганимда, энг аввало, у кишининг катта шкафага аранг жойлаштирилиб, лекин тартиб билан ва хронологик тарзда тахланган (жаҳон классик адабиёти, ҳамдўстлик давлатлари шоир-ёзувчилари, миллий-мумтоз адабиёт, публицистика, “Шарқ юлдузи” ва бошқа журналлар)

сон-саноксиз китоб ва журналлардан иборат бўлган бой кутубхонаси билан бирга, китоб шкафи жавонлари орасидаги очилиб-ёпиладиган қилиб ясалган махсус эшикчали мослама (тайник) ёдимга тушаверади.

Ўшанда шу мослама эшикчасини очиб, унинг ичида сақланаётган отамнинг шахсига оид маълумотлари тўпланган чарм муқовали катта папкасини китоб жавонлари орасидан олиб, қизиқиб очиб кўрганман.

Унда собиқ Шўро давлати, республика Олий Кенгашлари бир неча қаҳирок сессиялари депутатлиги, орден-медалъ ва бошқа давлат мукофотлари, уруш қатнашчиси, 2-гурӯх ногиронлигига оид гувоҳнома, китобча, мандат, хизмат гувоҳномалари каби ҳужжатларга кўзим тушган.

Ҳужжатларнинг ичидан айниқса диққатимни тортгани, отамнинг ўз дастхати билан

қўлда ёзилган таржимаи-ҳоли бўлган. Таржимаи-ҳолининг “ижтимоий келиб чиқиши” графасида, “камбағал деҳқон оиласида туғилганман” деб, ёзилган экан.

- Ота, эртага биз фарзандларингиз таржимаи-ҳолимизни тўлдиришда ҳам шундай ёзамиз-ми?, деб сўраганимда, Отам:

- Ўғлим, у даврлар ўтди-кетди, ўша вақт мафкураси таъсирида тарбияланган деярли барча кадрлар бор ҳолат қандай бўлса, шундай кўрсатишган, айнан қайси ижтимоий табақага мансублигини кўрсатиш, қандай оилада туғилиб ўсганини қайд этиш муҳим масала бўлган.

- Лекин Сизлар, фахр билан “хизматчи оиласида туғилганман” деб ёзинглар, чунки оталаринг урушдан ярадор бўлиб қайтгач, иш фаолиятини элу-юртга, халққа хизмат қилишдан бошлаб, ҳозир ҳам бир туманнинг раҳбари сифатида, ишимни давлат хизматида давом эттираяпман, агар халқ дарди билан яшасанглар, “элга хизмат-олий ҳиммат” шиори билан ҳалол меҳнат қилсанглар, асло кам бўлмайсизлар”, — деб ўгит қилганлар.

Шундан сўнг отам “шахсий кутубхона қиладиган бўлсанг, мендан сенга совға бўлсин” деб халқ адиби, атоқли шоир, академик ёзувчимиз Фафур Фуломнинг танланган асарлари томларини ҳамда ҳали тутилмаган ва қутига солинган янги авторучка совға қилдилар.

Отамизнинг эл дарди билан яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш ҳақидаги ўгитлари биз фарзандларнинг онгу-шууримизга мустақкам сингиб, ҳаётини шиоримизга айланиб қолган.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг адолатсизликка йўл қўйиб, халқни норизо қилмаслик, аксинча судьяни халқ

ташвишларига яқинлаштириш, жойларда халқ билан очик мулоқотлар ўтказиш, сайёр қабул ва сайёр суд мажлисларини ташкиллаштириш, яъни халқнинг назаридан тушиб қолмаслик ҳақида айтган гаплари баайни ҳақиқатдир.

Бадиий адабиётга озми-кўпми қизиқшим, ўша вақтларда китоб жавонидаги Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Садриддин Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода каби забардаст адибларимизнинг ноёб китоб дурдоналарини севиб ва қайта-қайта мутолаа қилганим туфайли шакланган бўлса ажаб эмас.

Бундан ташқари, замондош ёзувчилар Чингиз Айтматов, Расул Хамзатов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг сара ижод намуналари ҳам катта қизиқиш билан мутолаа қилинган ва мактабимизда тез-тез ўтказилиб турилган адабиёт кечаларида ўқитувчимиз Валентина Маҳкамова (Валя опа) раҳбарлигида, ўқувчилар орасида қизгин баҳс-мунозаралар, бадиий ўқиш, кичик-кичик сахна кўриниши тарзида чиқишлар қилиниб, шу тариқа ўқитувчимиз Валя опа “Ўзбек тили ва адабиёти” фанига чексиз ҳурмат ҳамда муҳаббат ўйғатолган.

У кишининг қайта-қайта таъкидлаб, ўз ўқувчиларига айтган ўгитлари, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомизнинг “Тилга эътибор, элга эътибор” сўзлари билан бошланиб, “Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами” сўзлари билан якунланар ва ҳар сафар бирон-бир адибнинг асаридан парча, монолог ёки ёш шоирларнинг янги ёзган шеърини ёддан ўқиб бериш ўқитувчимиз Валя опа учун одатий ҳол эди.



Ҳар галгидек ёзги таътилдан сўнг, янги ўқув йили бошланганида, ёзги таътил таассуротларини қоғозга тушириш, ўз фикрини эркин ифодалашни ўрганиш мақсадида эркин мавзуда иншо ёзиш дарси ўтказиларди.

Ўшанда қўшни туман, қўшни вилоятнинг тоғу-тошлари, шарқираб оқувчи дарё ва сойлари бўйида қурилган болалар дам олиш масканларида қандай дам олганимиз, уйдигиларнинг келганлари, хусусан профессионал овчилик фаолияти билан жиддий шуғулланган акам ўзи сингари овчи дўстлари, ов анжомлари ва овчи итлари билан келиб, лагеримиздан анча узоқ масофада жойлашган овчилик хўжалигига ўзи билан олиб кетгани, у ерда бир-икки кун қолиб, палаткаларда яшаб, от-улов миниб, яёв юриб, овчи итлар ёрдамида куён, каклик, бедана ва бошқа паррандаю-даррандаларни овлаганимиз, тоғ булоқларининг зилол сувларидан қониб-қониб ичганимиз ҳамда бебаҳо табиат манзараларидан баҳраманд бўлганимиздан ниҳоятда завқланиб, ов мавзусида бўлсада, лекин кўплаб ёрқин образли кишилар, жозибали табиат манзараси тасвирланган, ўша давр ва ёшнинг романтик руҳи акс эттирилган иншомни ёзиб бериб, ўқитувчимга топширганман.

Эртасига иншолар текширилиб, баҳолар кўйилганидан сўнг ўқитувчимиз Валя опа дарсни бошида “Сен кетавер, баҳоинг-5” деб, менга жавоб берган, синфдан шошиб чиқиб кетиб, йўлакдаги эшикка етганимда отам совға қилган тилла пероли авторучкани синф партасининг устида қолдириб кетганим ёдимга тушиб, яна орқамга қайтганман.

Синфнинг қия очиқ қолган эшигидан кулоқ солсам, Валя опа-ўқитувчимиз, ижод намунам бўлган менинг иншомни баралла овозда, берилиб, завқ-шавқ билан


синфдошларимга ўқиб бераётган экан. Тинглаб турдим, “Иншони мана шундай ёзиш керак”, деган мақтов сўзларидан сўнг гурурланиб кетиб, шахдам қадамлар билан мағрур синфга кириб, партанинг устида қолган авторучкамни олиб, папкамга солиб, чиқиб кетганман.

Кейинги адабиёт дарсларининг бирида Валя опа дарсдан сўнг олиб қолиб, “Иншонг жуда равон ёзилган, яхши сарлавҳа танласак, ҳикоя сифатида туман газетасининг “Ёш ижодкорлар” саҳифаси остида босиб чиқаришга берамиз, маслаҳатим мактабни тугатгач филология факультетига ўқишга кир, Сенда қобилият бор”, деганди.

Ҳуқуқ соҳасига қизиқишим кўпроқ бўлгани учун ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, олийгоҳни битириб, олдин прокуратура, кейин суд соҳасида ишлаб юрган кезларимда ҳам ўқитувчим Валя опа билан кўришганман. Ҳар кўришганимда у киши “Ўшанда ёзган иншонгни ҳамда иншонг асосида туман газетасида “Шаҳристон ёзи таровати” сарлавҳаси остида босилган ҳикоянгни сақлаб қўйганман, қачон олиб кетасан”, деб кўп гапирганлар.

Пойтахт шаҳар Тошкентга ишга ўтказилганим, у ердан бошқа узоқ вилоятларга ишимни давом эттиришга юборилганим боис ёки содда қилиб айтганда, ишлар билан овора бўлиб қолиб, минг афсуслар бўлсин-ким, Сирдарёга, ўша бизда адабиёт фанига муҳаббат ўйғотилган устозим Валя опамни бориб кўришга ҳафсала қилолмадим.

Бундан бир неча йил аввал Боёвут туманига бориб, опани кўриш ниятида суриштирсам, оламдан ўтган эканлар. Меҳрибон устоз, зукко мураббий ва ажойиб инсон Валентина Маҳкамованинг охиратлари обод бўлсин!





Маъруф ТАЖИБОЕВ,
“Фуқаролик ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси



Зиёда СОЛИЕВА,
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси кабинет мудараси

ОИЛАНИ АСРАШ БОРАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМ

Сўнги йилларда судларда кўрилган никоҳдан ажратиш ишлар таҳлил этилганда носоглом оилада ўсиб вояга етган фарзандлар ўртасидаги ажрашишлар салмоқли ўринни эгаллаб келаётлиги кўринади. Мазкур тоифага албатта қайноналарнинг келинларига бўлган муносабатларини ҳам киритиш мумкин.

Яна бир ҳолат, бугунги кунда турмуш қураётган фарзандларимиз “эр” ёки “хотин”, деган муҳим тушунча мазмун-моҳиятини биладими? — деган савол туғилади.

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, судлар томонидан кўриб чиқилган оилавий низоларнинг аксарият қисмини ёш оилалар ташкил қилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, ёшларга жамоатчилик томонидан ўз вақтида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги бўлиб ҳисобланмоқда.

Шунингдек, оилаларнинг барбод бўлишига қуйидаги омиллар ҳам сабаб бўлаётганлигини кўрсатиш мумкин:

- ✓ Оила бебаҳо даргоҳ эканлигини тушуниб етмаслик;
- ✓ Эр-хотиннинг бир-бири билан муросалари тўғри келмаслиги;
- ✓ Эр-хотиндан бирининг узоқ вақт мобайнида бирга яшамаслиги (эр-хотиндан бирининг бошқа давлатларда ишлаш учун кетганлиги);
- ✓ Жинсий ожизлик;
- ✓ Онгдаги “Мен” деган устунлик, ўзининг хатосини тан олмаслик;
- ✓ Ҳисоб-китобларга қурилган оила (ота-отасининг мавқеи ва даромадларига ишониб);
- ✓ Оиладаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар;
- ✓ Ота-онанинг аралашуви (ёки оила аъзоларидан бирининг аралашуви);
- ✓ Эр-хотиндан бирининг хиёнат;
- ✓ Бепуштлиқ;
- ✓ Келин кувё оиласидаги ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик;

- ✓ Эр-хотиндан бирининг юқумли касалликка чалиниб қолиши;
- ✓ Эр-хотиндан бирининг муттасил спиртли ичимликлар истеъмол қилиши;
- ✓ Эр-хотиндан бирининг гиёҳвандлик воситаларини қабул қилиши;
- ✓ Эр-хотиндан бирининг ногирон бўлиб қолиши.

Агар 2017 йил ва 2018 йилларда республика судларида кўрилган ишлар таҳлилини кўрсак, ота-оналикдан маҳрум қилиш 1562 тадан 1208 тага камайган, никоҳдан ажратиш ишлари эса 38594 тадан 39402 тагача ошган.

Айнан оилавий низоларнинг кўпайиши бошқа низолар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, уй-жой, мол-мулк бўлиш, уй-жойга киритиш, болани тарбияси билан боғлиқ муаммолар ва бошқа келишмовчиликлар ортган.

Оила кодекси 1-моддасининг иккинчи қисми талабига мувофиқ, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари, вақтинчалик келишмовчилик ва бошқалар) аниқланганда, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ва Оила кодекси 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Бунда шуни эътиборга



олиш лозимки, Оила кодексининг 218-моддаси талабларини инobatга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муҳлат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотинни яраштириш мақсадида олти ойлик муҳлат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (ОК 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий вазлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвои рад этади.

Фуқаролар томонидан оила ва никоҳ муносабатларига киришиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари орқали уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан, имтиёзлардан фойдаланиш, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида, судьялар ва бошқа масъул идоралар ходимлари томонидан эса амалдаги қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашда муайян хато ва камчиликлар ҳам учрамоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, судлар томонидан никоҳни сақлаб қолишда тарафларга Оила кодексининг талаблари асосида ярашиш учун берилган 6 ойгача бўлган муддат самарасиз бўлганлигининг асосий сабаби, айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссиялари, қолаверса, тарафларнинг ота-оналари яраштириш ўрнига вазиятни чалкашишига, жиддийлашишига сабабчи бўлмоқда. Натижада эса, арзимаган сабаб билан Оила биноси барбод бўлмоқда.

